кечаги дарсни ўқиди. Кейин бошқаси туриб, олдингиси ўқигани каби ўқиди. Сўнг Фарид туриб, олдинги иккитаси ўқигани каби ўқиди. Муаллим доскага чиқишни буюрди. Унга бир неча сатрларни ёзди. Дарс тугагач, барча ўқувчилар уйларига жўнаб кетишди.

2-дарс

بُديءَ الدَّرْسِ. انصَرَفَ التَّلَامِيذُ مِنَ الْمَدْرَسَةِ إِلَى بُيُوتِهِمْ. أَنَا أَصَغَرُ مِنْكَ بِأَرْبَعِ سَنَوَاتٍ. قُمْتُ وَقَرَأْتُ
دَرْسَ الْأَمْسِ. قَامَ التَّلَامِيذُ تَعْظِيمًا لِلْمُعَلِّمِ. الْأَرْبَبُ، حَيَوَانٌ جَبَانٌ. الْأَسَدُ، حَيَوَانٌ شَجَاعٌ. خَرَجْتُ إِلَى السَّبُّورَةِ
فَأَمَلَيْتُ أَوْلًا.

3-дарс

Фариднинг ити

Фариднинг ити чиройли кучукчадир. У, ҳовлида ўйнашни ва югуришни яхши кўради. У, нон ва гўштдан бошқа ҳеч нарса емайди. Фариднинг уйи Рашиднинг уйига яқиндир. Фарид дўсти Рашидникига борса, у билан бирга кучуги ҳам бориб, ҳовлига кирар эди. Бир гал Фарид билан бирга ити ҳам борди ва Рашиднинг хўрозини товуқлар билан ўтлаб юрганини кўриб қолди. Кўрган заҳоти вовиллаб, унинг ортидан югура кетди. Суратдаги Фариднинг кучугига қарагин, у Рашиднинг хўрозига етиб олмоқчи. Хўроз олд томон югурапти. Фариднинг ити хўрознинг ортидан қувганича, ҳовлиниг охиригача етказиб борди. Хўроз деворга қараб учди, итни эса унга етиш имкони бўлмади.

3-дарс

صَاحَ الدِّبْيُ. رَكَضَ الْكَلْبُ. مَشَى الدِّبْيُ مَعَ الدَّجَاجِ. رَكَضَ الْفَرَسُ. مَا حَمَلْتُ هَذَا الْحِمْلَ. سَأَذْهَبُ
إِلَيْكَ بَعْدَ هُنَيْهَةٍ. أَمَرَنِي الْمُعَلِّمُ أَنْ أَقْرَأَ دَرْسِي. يَنْتَهِي الدَّرْسُ بَعْدَ سَاعَةٍ. وَبَعْدَ ذَلِكَ أَنْصَرَفْتُ إِلَى الْبَيْتِ. قَرَأْتُ
كَمَا قَرَأَ الْمُعَلِّمُ. عَظَّمْتُ وَالِدَكَ. الْفَرَسُ أَخَذَ يَرْكُضُ.

4-дарс Мактаб

Абдулкарим кичик ёшдаги ўқувчи. У, жуда одобли боладир. У, мактабни жуда қаттиқ яхши кўради. У, мактабга барвақт боради ва ҳеч қачон дарсдан кечикмайди. У, дарсларида жуда фаолдир ва у, ўйин учун таъйин қилинган вақтдагина ўйнайди. Шунинг учун уни ўқитувчиси, ота-онаси ва қариндошлари ҳамда барча танийдиган кишилар яхши кўрадилар. Абдулкаримнинг таълим оладиган синфи унча катта бўлмаган бир хонадир. У ерда ўқувчилар учун ўриндик, стол ва ўқитувчи учун курси бор. Ўриндиқлар олдида бўр доскаси, деворда соат, тақвим, хариталар ва бир неча расмларни кўрасан. Бу суратда Абдулкарим ва унинг дўстларини ўриндиқларда ўтирганини кўрамиз. Ўқитувчи эса, уларнинг олдида тик турибди. Ҳозир улар ҳисоб дарси (математика)ни тингламоқдалар. Муаллимларига, қай тарзда қизиқиш билан кулоқ тутаётганларига қара.

Бир гал ўқитувчи уларга математикадан бир қийин масалани берди. Ғолибга мукофот ваъда қилди. Имтиҳон кунини белгилади. Аммо Абдулкарим вақтини беҳудага кетказмади, балки, масала ечишга сарфлади. Аммо қолган болалар Абдулкарим каби фаол бўлмадилар, балки аксар вақтларини ўйинга сарфладилар. Имтиҳон вақти келганида бирор киши Абдулкарим каби масалани ечишга қурби етмади. Абдулкаримнинг хулқ-атворини ўқитувчи маъқуллаб, мақтади ва унга мукофотни берди. Абдулкарим уйига совға билан келганида ота-онаси ундан кўп хурсанд бўлди ва отаси унга кичик бир велосипед сотиб олиб берди. Шундай қилиб Абдулкарим иккита мукофотга эришди.

4-дарс

اسْتَمِعَ لِكَلَامِي. لَا تُضَيِّعْ وَقْتَكَ سُدى. جَاءَ وَقْتُ الْإِمْتِحَانِ. حَلَلْتُ مَسْئَلَةً صَعْبَةً جِدًّا. فِي مَدْرَسَتِنَا خَرَائِطٌ كَثِيرَةٌ وَعِدَّةٌ رُسُومٌ.. الْعَبُّ فَقَطٌ فِي وَقْتِ الْمُعَيَّنِ لِلْعِبِّ. هَذَا تَقْوِيمٌ عَالٍ جِدًّا. فُزْتُ فِي الْإِمْتِحَانِ وَنَلْتُ جَائِزَةً. عَبْدُ الْكَرِيمِ وَلَدٌ مُؤَدَّبٌ. وَهُوَ يُحِبُّ الْكُتَابَ حُبًّا شَدِيدًا. هُوَ لَا يَصْرِفُ كُلَّ وَقْتِهِ لِلْعِبِّ.

5-дарс Ўқишнинг фойдаси

Рашид кечаларнинг бирида чирокнинг яқинида ўтирди. Дарсларини тайёрлай бошлади. У, ўқишни яхши кўрмас ва унга мойил ҳам бўлмас эди. Лекин у жазодан кўрққан ҳолда дарсини бажарар эди. У, озгина дарс қилганидан кейин китобни ёпиб қўйди ва онасидан: "Нима учун одамлар ўқишни ўрганадилар? Ундан нима фойда?" Деб сўради. Онаси унга: "Ўқиш зарурдир. Эй ўғлим, унинг манфаатлари кўпдир, сен уни ҳозирча билмайсан", деди. Шунда у: "Эй онажон! Мени уйда қолдира қолинг. Мен на мактабни ва на ўқишни ёқтирмайман", деди. Агар мен шу ерда қолсам, сизни ишларингизни бажариб қўяман ва сизга ҳеч итбатсизлик қилмайман", деди. Шунда онаси: "Эй ўғлим! Ўқишни билмайдиган бир бола ҳақидаги ҳикояни ва охирида унга нима бўлганини мендан эшитгин", деди:

Бир бола йўлда кетаётган эди. У, тахтали кўприги бор дарёга етиб келди. Кўприкни олдида осиб қўйилган бир лавҳачани кўрди. Унинг устига: "Бу кўприкни устидан ўтма, унда хатар бор" деб ёзилган эди. Бола ёзувдаги сўзларни ўқигач кўприкдан ўтмади. Балки, бошқа кўприкка юриб бориб, ўша ердан ўтиб олди. У мақсад қилган жойига соғ-саломат етиб борди.

Шундан кейин у ерга ўқишни билмайдиган бошқа бир бола келди. Осилган лавҳачани кўриб, унда юрди. Бола кўприкни ўртасига етганида, оёғи остидаги эски тахтача синиб кетди ва дарёга қулаб, сувга ғарқ бўлди.

5-дарс

طَوَيْتُ الْكِتَابَ. اِنْكَسَرَ قَلْمِي. مَرَرْتُ مِنَ الْجِسْرِ. فِي هَذَا الْأَمْرِ حَظَرٌ كَثِيرٌ. لَا بُدَّ لِي أَنْ أَذْهَبَ إِلَى الْمَدْرَسَةِ الْآنَ. ذَهَبْتُ إِلَى فَرِيدٍ فِي يَوْمِ الْجُمُعَةِ. لَعِبْتُ مَعَهُ بِالْكُرَةِ طَوَلَ الْيَوْمَ. ثُمَّ رَجَعْتُ إِلَى الْبَيْتِ وَأَكَلْتُ قَلِيلًا. وَبَعْدَ قَلِيلٍ رَقَدْتُ لِلنَّوْمِ. عَلَّقَ أَلْبَسَتِي عَلَى الْمِشْحَبِ. أَنَا أُسَاعِدُكَ.

6-дарс Айиқ

Маҳмуд ва Саид бир мактаб ва бир синфда таълим олишар эди. Қишлоқ яқинидаги ўрмонда, баъзи кичик ваҳший хайвонларни овлаш учун чиқиш одатлари бор эди. Улар ов мақсадида ўрмонда изланиб юришганида, айиқ улар томон судралиб келаётганини кўрдилар. У кўрқинчли ўкириш билан бақирди. Икки болани қаттиқ кўрқинч олди. Бас, Маҳмуд унга милтиғини тўғрилади-да, ўқ узди. Лекин у беҳудага кетиб, унга тегмади. Шу онда у милтиқни ташлади ва ўзига яқин бўлган дарахтга чиқиб олди. Саид ҳам айиққа ўқ узди у ҳам хато қилди. Айиқ унга яқинлашиб қолган эди. У ўзини ерга ташлади-да, ўликка солиб ётиб олди. Айиқ унинг олдига келиб, ҳидлай бошлади. Айиқ унинг ҳаракат қилмаётганини ва нафас олмаётганини кўргач, ўлик деб ўйлади ва зарар бермасдан тарк этди. Чунки айиқ ўлик жасадга тегмайди. Айиқ ўрмонга кириб, уларни кўзларидан ғойиб бўлгач Маҳмуд дарахтдан тушди ва Саидни мазаҳ қилиб: "Қулоғингга айиқ пичирлаганини кўрдим, менга айтчи, у сенга нима деб айтди", деганида, Саид қуйидагича жавоб берди: "Шу пасткаш болани дўт тутиб кўп хато қилибсан", деди.

Уй сотиб олишдан олдин кўшни танла,
Йўлга тушишдан олдин дўстни танла!

6-дарс

صَرَخَ الدُّبُّ صُرَاخًا هَائِلًا. صَعِدْتُ إِلَى الْجَبَلِ. نَزَلَ مِنَ الشَّجَرَةِ. أَخْبَرَنِي، مَاذَا قَالَ لَكَ مُحَمَّدٌ. هَذِهِ الْبُنْدُوقِيَّةُ غَالِيَةٌ جِدًّا. ظَنَنْتُ أَنَّهُ مَيِّتٌ. هَذَا الْخَادِمُ مَسْكِينٌ جِدًّا. لَا تَتَنَفَّسْ إِلَى طَعَامٍ. فَتَشْتِ عَنْ مُحَمَّدٍ، لَكِنَّ مَا وَجَدْتُهُ. صِدْنَا أَرْبَابًا، أَخَذَنِي خَوْفٌ شَدِيدٌ. مَاذَا هَمَسْتَ إِلَى أَدْنَاهُ؟ صَوَّبْتُ الْبُنْدُوقِيَّةَ إِلَى الْأَرْبِ.

7-дарс

Бола ва акс-садо

Алий кунларнинг бирида саҳрога чиқди. У кетаётиб дарахтлари кўп ўрмон яқинидаги яйловга етиб келди. У яйловда ўйнаб юрганида, олдидан бир куш учиб ўтди. Алий ҳа-ҳа-ҳа, деб қичқириб юборди. Унга акс-садо шу онда қайтди. Алий бундан кўп ажабланди. Чунки у бундан олдин акс-садо нималигини билмас эди. Ўрмонда бир бола у қичқираётганга ўхшаш қичқирапти, деб ўйлади. Эй бу, сен кимсан? деди. Акс-садо ҳам: "Эй бу, сен кимсан?" деб жавоб қилди. Алий овозини борича: "Сен аҳмоқсан!" деса, акс-садо ҳам: "Сен аҳмоқсан!" деб жавоб қайтарди. Шу онда Алининг ғазаби шиддатлашди ва уни сўкиб ҳақорат қила бошлади. Акс-садо уни ҳақоратларини ўзига сўзма сўз қайтарарди. Шу онда у билан сўкишаётган болани қидира бошлади. Уни топа олмагач уйига қайтди ва бўлган ишни отасига шикоят қилди ва: "Эй отажон! Бир болакай ўрмонда яшириниб олибди. Мен унинг яқинига борсам, у мени сўкиб, ҳақорат қила бошлади", деди. Отаси: "Эй ўғлим, сўзингни акс-садосидан бошқа нарсани эшитмагансан. Сен ўзинг аввал ҳақорат қилишни бошлагансан. Сенга акс-садо ўрмоннинг ичидан қайтган. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Ким эшикни тақиллатса жавобни эшитади", деди.

Инсоннинг балоси тилидандир.

7-дарс

طَرَفْتُ الْبَابَ، مَا فُتِحَ. لِمَاذَا مَا فُتِحَ؟ اخْتَبَأْتُ فِي الْبُسْتَانِ. صَرَخَ بِأَعْلَى صَوْتِهِ. لَا تَشْنِمُ صَدِيقَكَ. لَا تَصْعَدُ إِلَى مَكَانٍ عَالٍ. ذَهَبْنَا إِلَى الْبُسْتَانِ كَثِيرَةَ الْأَشْجَارِ. مَا عَرَفْتُكَ قَبْلَ الْآنَ. هَذَا الْمَرْجُ وَاسِعٌ جَدًّا. عَجِبْتُ مِنْ قَوْلِكَ جَدًّا. فِيمَا أَنَا أَلْعَبُ فِي الدَّارِ جَاءَ فَرِيدٌ فَجَاءَهُ. شَكَّوْتُ أَمْرِي إِلَى أَقْرَبَائِي. هُوَ فَرَّ عَنِ الدَّرْسِ.

8-дарс

Овчи ва айиқ

Овчи айиқни овлади ва уни тарбиялади. Айиқ у билан кўп ўртоқлашди ва уни қаттиқ яхши кўриб қолди. У билан бир макондан бошқа бир маконга юриб борганда ҳам ажралмас ва Унга итоат қилишда бор кучини сарф этарди. Ухлаганида, озор берувчи ҳашаротлардан уни муҳофаза қилар эди. Бир гал овчи баъзи тарафларга айиғи билан бирга чиқди. Бир дарахтнинг соясида дам олиш учун Бир йўлга келиб тушди. Овчи уйқуга кетгач, айиқ уни одатига кўра кўриқлай бошлади. Бас, юзига пашша кўнди. Айиқ уни бир неча марта қайтарса ҳам унинг юзига қайтиб кўнаверди. Шу онда айиқ қаттиқ ғазабланди ва пашшани ўлдириш учун бир бўлак тошни олди-да, пашша унинг юзида турганида унга отди. Бас, овчи шу заҳоти вафот қилди.

Ақлли душман жоҳил дўстдан яхшироқдир.

8-дарс

اِفْتَدَيْتُ بِكَ كَثِيرًا. مَا فَارَقْتُكَ. رَبَّيْنَاكَ زَمَنًا طَوِيلًا. اِسْتَعَلَ النَّارُ مِنَ الدَّارِ. سَقَطَتِ الدُّبَابَةُ عَلَى الطَّعَامِ. ذَهَبْتُ إِلَى الْمَدْرَسَةِ الْيَوْمَ بَاكِرًا فِي السَّاعَةِ الثَّامِنَةِ عَلَى حَسَبِ عَادَتِي. قَدْ كُنْتُ تَأَخَّرْتُ بِالْأَمْسِ. اسْتَضَلْتُ فِي ظِلِّ شَجَرَةٍ. ذَهَبْتُ إِلَيْكَ مِرَارًا، وَمَا وَجَدْتُكَ مِنْ بَيْتِكَ. بَدَأْتُ فَاطِمَةَ الصَّيْدَ. بَدَلْتُ وَسْعِي لِحِفْظِ الدَّرْسِ.

9-дарс

Шер ва тулки

Шер қариб, кучсизланиб, ваҳшиларни овлашга қурби етмай қолди. Яшашда ўзи учун хийла қилмоқликни хоҳлади. Бас, ўзини касалга солиб, баъзи ғорларга ётиб олди. Ҳар гал ваҳший ҳайвонлар зиёрат қилгани келса ғорни ичида уни овлаб, ер эди. Бир куни тулки унинг олдига келди-да, ғор эшиги олдида тўхтаб, салом берди-да: "Эй ваҳшийлар шохи! Аҳволинг қандай?" деса, шер: "Сенга нима бўлди, нега кирмаяпсан эй Абулхусойн", деди. Шунда тулки: "Эй ҳожам! мен буни хоҳлаган эдим, лекин ҳузурингизга кирган кўп қадамлар изини

кўряпман, аммо улардан ҳеч бирини чиққанини кўрмайпман", деди.

Ҳикоянинг маъноси шуки, албатта инсон бирор ишни фикрлаб, ажратганидан кейингина бажармоғи лозим!

9-дарс

الْوَلَدُ الْكَسْلَانُ يَلَامُ كَثِيرًا. اِفْتَرَسَ التَّغْلِبُ الدَّجَاةَ. شَاخَ أَبِي وَضَعْفَ. وَقَفْنَا أَمَامَ بَابِكَ وَسَلَّمْنَا عَلَيْكَ.
مَا لَكَ، ثَلَامِنِي؟ زُرْتُ جَدِّي بِالْأَمْسِ بَعْدَ الظُّهْرِ. التَّغْلِبُ حَيَوَانٌ مَكَّارٌ جِدًّا. وَقَفَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ
وَسَلَّمَ فِي غَارِ الثَّوْرِ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ. سِرْتُ مِنْ خَلْفِهِ.

10-дарс

Инсон аъзолари

Салим туғишган кичик укаси Юсуфга хитоб қилган ҳолда: Эй Юсуф! Сенинг икки кўзинг бор, бири бурнингнинг ўнг тарафида ва бошқаси эса бурнингнинг чап томонида. Сенда икки қулоқ бор, бири бошингнинг ўнг тарафида ва бошқаси эса бошингнинг чап тарафида. Яна сенда иккита яноқ, иккита биллак, иккита тирсак, иккита қўл, иккита болдир, иккита тизза ва иккита оёқ ҳам бор. Лекин сенда битта пешона, битта бурун, битта жағ, битта кўкрак ва битта ошқозон бор. Улардан ҳар бир аъзонинг вазифасини биласанми? Аъзоларни номини айтганда қўли билан кўрсатар эди. Улар шу ҳолатда туришганида, муаллим у иккисини кўриб, Салимга кулимсираган ҳолда: "Пешона ва икки кўз орасидаги икки қошни нима фойдаси борлигини менга айт-чи?" деган эди, Салим: "Улардан мақсад пешонадан икки кўзга тер тушишини ман қилади", деди.

- Тўғри топдинг, қовоқларнинг нима фойда бор?

- Албатта у икки кўзни зарардан сақлайди.

- Тўғри жавоб бердинг, чунки қовоқ уйқу пайтида кўз доирасининг барчасини тўсиб туради. Ундан ташқари кўзни олдидан бирор нарса шиддат билан ўтса кўз тезлик билан ёпилиб олади.

10-дарс

شَقِيئُكَ مُحَمَّدٌ صَدِيقِي. وَقَانَا اللَّهُ مِنَ الْأَلَمِ. عَرَفْتُ كَثِيرًا جَدًّا. اِغْسِلْ يَدَيْكَ إِلَى مِرْفَقَيْكَ. لِمَاذَا تَضْحَكُ؟
 أَشَارَ بِيَدِهِ إِلَى الشَّمْسِ. لَا تَغْضَبْ يَا صَدِيقِي! اِمْسَحِ العَرَقَ. اِمْسَحِ دَمْعَكَ مِنْ عَيْنَيْكَ! أَيُّكُمْ أَنْشَطُ؟ إِذَا
 تَزُرَّنِي، أَكُونُ فَرِحًا جَدًّا.

11-дарс

Инсон аъзолари

Бундан кейин муаллим икковига: "Қош атрофида ўсувчи тукларни унутиб қўйманглар, уларнинг исми нима?" деган эди, Юсуф жавоб бериб:

- Уни киприк деб айтилади, деди.

- Улардан нима фойда? деса, икки туғишган ака-укалар жавоб айтишга қийналишди. Шунда муаллим уларга:

- Улар кўзга ҳавода учиб юрувчи тупроқ ва ҳашаротлар каби зарраларни тушишидан ҳимоялайди, деди.

Сўнгра Юсуфга хитоб қилган ҳолда:

- Эй Юсуф! Менга айтчи, сени икки кўзинг уйғоқ бўлган вақтда очик бўладими ёки ёпиқми? деса:

- Албатта улар очик бўлади, деди.

- Ухлаган пайтингдачи? деса:

- Ёпиқ бўлади, деди.

- Икки қулоғинг ухлаганингда қандай бўлади? деган эди, Юсуф бу саволдан кулди ва:

- Қулоқлар ҳам ёпиқ бўладими? деди.

- Уларни очик қолишини сабабини биласанми? деган эди:

- Йўқ, деди.

- Албатта қулоқ уйқуда соқчи кабидир. Шунинг учун доим очик қолади. Ухловчига бирор хатар таҳдид солса тезда уни огоҳлантиради.

11-дарс

دَعَا مُحَمَّدٌ صَدِيقَهُ مُحَمَّدًا. عِنْدَمَا يَمْشِي عَبْدُ اللَّهِ فِي الشَّارِعِ، اسْتَوْقَفْتُ وَسَأَلْتُ إِلَى أَيْنَ ذَاهِبٌ أَنْتَ؟
وَقَالَ: إِلَى الْحَدِيقَةِ. قُلْتُ: سَأَذْهَبُ مَسَاءً. لِمَاذَا يُهْدِدُكَ هَذَا الْخَادِمُ؟ قَدْ نَسَيْتُ أَنْ أَذْهَبَ إِلَيْكَ. تَطْيِيرُ الطَّيْرِ
فِي السَّمَاءِ. أَعْيُنُهُ سَوْدَاءٌ وَأَهْدَابُهُ طَوِيلَةٌ. الْهَوَامُّ الصِّغَارُ مَمْقُوتٌ. إِنَّ الْأُذُنَ كَالْحَارِسِ لِلنَّائِمِ.

12-дарс

Тулки ва бир бош узум

Тулки ҳақида ҳикоя, дарҳақиқат тулки узумзор оралаб ўтди.

Бир олтин тусдаги узумга шоҳид бўлди.

Ундан бошқалари жинси қора хурмо каби эди.

Шом азонидан кейин очлик уни ҳалок қилаёзган эди.

Гарчи қийинчилик билан бўлса ҳам ундан бир тишлам ейишни хоҳлади.

Уни ейишга ҳаракат қилди, аммо ишком устига чиқишга курби етмади.

Қандай келган бўлса қорни шундай ловиллаган ҳолда қайтди.

Бу пишмаган узумдир, мен уни Ҳалаб шаҳрида кўргандим, деса.

Бир бўлак узум, балки ноумид бўлдинг, боргин эй аҳмоқ, деди.

Тилнинг узунлиги ҳавода, калталиги думдадир.

12-дарс

أَكَلْتُ عَنْفُودًا. رَأَيْتُ نَعْلَبًا فِي الْعَابَةِ. جَاعَ بَطْنِي. سَأَذْهَبُ إِلَيْكَ عَدَا بَعْدَ الْأَذَانِ. التَّعَلَّبُ حَيَوَانٌ مَكَّارٌ
جِدًّا. الْعَنْبُ لَدِيدٌ جِدًّا. مَرَرْتُ بِجَوَارِ دَارِ مُحَمَّدٍ. أَعْطَنِي وَلَوْ قَلِيلًا. أُرِيدُ أَنْ أَذْهَبَ إِلَيْكَ. الذَّنْبُ الْقَصِيرُ.
اللِّسَانُ الطَّوِيلُ.

13-дарс

Марямнинг қушчаси

Марямнинг чиройли қушчаси бор эди. Марям уни кўп яхши кўрар эди. Унга қафас ясаб, ўша қафасга уни солди. Қушча қўлга ўргатилган бўлиб, Марям олдига келиб, унинг қўлидан ер эди. Қафасни вақти-вақти билан очиб турар эди. Ундан чиқиб, қафасни бошига ўтирар ёки уй атрофида учар эди. Шундай қилгани учун уни кўп яхши кўрар ва ўзидан бошқасига овқатлантиришга қўймас эди. Кунларнинг бирида унга аммаси чиройли ўйинчоқ жўнатди. Марям хурсандлигидан учаёзди. У билан кун бўйи ўйнаб қолиб кетди. Қушчани овқатлантиришни унутди. Эртаси куни тоғасининг ўғли Саид келди. У ўз ўйинчоғи ва Саид олиб келган ўйинчоқ билан кун бўйи ўйнаб, қушчани овқатлантиришни унутди. Учинчи куни ўйинни тарк қилди ва қушчани олдига келди, уни овқатлантириш учун қўлида донлар бор эди. Бас, уни қафасда ўлик ҳолатда топди. У очликдан ўлган эди. Марям бундан қаттиқ қайғуга ботди.

13-дарс

قَدْ نَسِيتُ أُمِّي أَنْ أَذْهَبَ إِلَيْكَ. أَطَعَمْتُ مَرْيَمَ عَصْفُورَهَا. لَعِبْتُ مَعَ عَبْدِ الْكَرِيمِ طُولَ الْيَوْمِ. هَذِهِ اللَّعْبَةُ
مُتَمَعَّةٌ جِدًّا. طَارَ الْعَصْفُورُ فَوْقَ الْبَيْتِ. مَاتَ الْعَصْفُورُ مِنَ الْجُوعِ. حَزِنْتُ عَلَى صَدِيقِي حُزْنًا شَدِيدًا. الْبُلْبُلُ فِي
الْقَفَصِ. مَا نَمْنَا طُولَ اللَّيْلِ. لَا تَحْزَنْ، يَا صَدِيقِي! أَحِبُّ أُمِّي حُبًّا شَدِيدًا.

14-дарс

Тошбақа ва қуён

Ҳикоя қилинишича, бир гал тошбақа билан қуён ўзаро мусобақалашди. Ораларидаги чегарани дарахт қилиб белгилашди. Ким биринчи бошқасидан олдин дарахтга етиб келса, иккинчиси биринчисига улкан мукофотни топширишига келишиб олишди. Аммо қуён ўзини югуришдаги енгиллигига суяниб, йўлда ҳафсаласизлик қилди ва ухлаб қолди. Аммо тошбақа эса ҳаракатининг суст эканлигини билиб, ҳафсаласизлик ҳам қилмади, камчиликка ҳам йўл қўймади, балки югуришда оҳиста-оҳиста кетаверди, ҳатто дарахтга етиб келди. Қуён уйқусидан уйғонганида уни топмади. Тошбақадан ўзиш учун бор кучи билан югурди. Лекин орзуси пучга чиқиб, уни югургани ва чарчагани беҳудага кетди. Тошбақа ундан олдинлаб, дарахтга аввал етиб келганини кўрди. Камчиликка йўл қўйгани учун кўп надомат қилди. Белгиланган мукофотни тошбақага беришга мажбур қилинди.

14-дарс

يَا وُلْدُ، لَا تُكُنْ كَسَنَانًا. اسْتَيْقَظْتُ مِنْ نَوْمِي فِي السَّاعَةِ السَّادِسَةِ بَاكِرًا. مَا حَزَنْتُ قَطُّ لِصَمْتِهِ فَنَدِمْتُ
مِرَارًا لِكَلَامِهِ. اضْطَرَرْتُ أَنْ أَكْتُبَ إِلَيْهِ الْمَكْتُوبَ. الْمُجْتَهِدُ لَا يَنْدَمُ أَبَدًا. هَذَا ثَقِيلٌ وَهَذَا خَفِيفٌ. خَابَ أَمَلُهُ:
قَدْ فَرَّطْتُ كَثِيرًا فِي هَذَا الْأَمْرِ. بَكَى الْوَلَدُ. لَعِبَتْ فَاطِمَةُ.

15-ДАРС

Ҳасан афанди ва унинг ўғли Муҳаммад

Ҳасан афанди - эй Муҳаммад, менга сумкангни ичидаги нарсаларингни кўрсат.

Муҳаммад - ҳозир эй дадажон! Бу тош доскадир, бу бўлса тош қаламдир. Мен ҳар куни ёзув ва математика дафтарларига ёзаман.

- Яхши – сен нимага математика дафтарга ёзмайсан?

- Мен математика дафтарга ҳам ёзаман, лекин менга тош доскага ёзиш кўпроқ ёқади.

- Бунинг сабаби нама?

- Чунки мен бирор бир сўз ёки масалада хато қилсам уни ўчиришим мумкин бўлади. Мен дафтарга ёзсам ва бирор бир сўзда хато қилсам уни ўчириш яхши эмас, чунки уни артиш дафтарни кир қилади.

- Бу ёзув дафтарингми?

- Ҳа, эй отажоним! Лекин мен математика дафтарни мактабда қолдирдим.

- Сен фаолсан ва дафтаринг эса тозадир.

- Менинг синфимда жуда ифлос бир бола бор. Ҳар доим ручкасини олиб ёзганида дафтарини ва бармоқларини сиёҳ билан ифлос қилади. Ҳар доим муаллим уни койийди. Расмимни кўришни хоҳлайсизми, эй отажон. Мен бу шаклни қора қалам билан чиздим.

- Бу расм чиройлидир. Лекин бу чизикларни ўчирғич билан тозалашинг лозим. Эй ўғлим! Китобларинг ва дафтарларингни сумкангга сол, сўнгра кийимларингни кий сен билан бирга мультфильм кўришга борамиз. Қайтганимиздан кейин дарсларингни тайёрлайсан.

15-дарс

هَذَا الْكِتَابُ فِي الْمِحْفَظَةِ. هَذِهِ سُبُورَةٌ وَهَذَا قَلَمُ الرَّصَاصِ. غَلِطْتُ فِي حَلِّ هَذِهِ الْمَسْئَلَةِ. كُرَّاسُهُ وَسِخٌ وَكُرَّاسِي نَظِيفٌ. أَحْضِرْ دُرُوسَكَ. أَحْضِرْنَا الدُّرُوسَ. تَرَكْتُ قَلَمِي فِي الْمَدْرَسَةِ. يَجِبُ عَلَيْكَ أَنْ تَذْهَبَ إِلَى الْمَدْرَسَةِ. اكْتُبْ بِالْقَلَمِ الْمُلَوَّنِ. وَسَخْتُ أَصَابِعِي بِالْحَبِيرِ الْأَسْوَدِ. لِمَاذَا لَا تَجِيءُ إِلَيْنَا؟ وَضَعْتُ الْكُتُبَ فِي الْمِحْفَظَةِ وَعَلَّقْتُ عَلَى الْعَمُودِ بِالْعُرْفَةِ.

16-дарс

Ўйинни яхши кўрадиган (ўйинқарок) бола

Бир кичик болани онаси мактабга юборди. Боласи ўйинни жуда яхши кўришини билиб, уни мактабга олиб бориб келиши

учун у билан бирга опасини кўшиб юборди. Улар йўлда катаётганларида катта бир дарахтнинг олдига етиб келдилар. Кичик бола дарахт остида ўтиришни хоҳлади. У: "Қани эди биз шу ерда қолсакда, мактабга бормасак", деди. Опаси: "Йўқ, мени ўйнашга вақтим йўқ, сени мактабга олиб борганимдан кейин қайтиб бориб, бозорга тушишим ва ишлашимиз ҳамда тирикчилигимиз учун онамга жун ва йигирилган ип сотиб олишим лозим", деди. Сўнгра кичик бола йўлда гулдан гулга учиб юрган асаларини кўрди. У: "Қани эди мен мана шу асалари каби ишсиз бўлсам, чунки у ўқимайди ҳам ёзмайди ҳам", деди. Опаси: "Хато қилдинг, эй укам. Асалари ишсиз эмас, балки у киши кунларига тайёрланган ҳолда асал ва мум йиғади. Бироз юрганларидан кейин бир қушчани кўришди. Болакай: "Шакшубҳасиз мана бу чумчуқнинг бирор иши йўқ. Қани эди мен у каби бўлсам", деди. Опаси: "Эй укам, қушча сен ўйлаганингдек ишсиз эмас. У тумшуғида ин қуриш учун ҳашак кўтариб кетаётганини кўрмайсанми?" деди. Бироз юргандан кейин йўл четида ётган бир итни кўрди. У опасига: "Мени тинч қўйинг, шу кучук билан ўйнайман. Албатта унинг бирор иши йўқ", деб бола шу сўзларни ҳали тугатмаган эди ҳамки, бир одам итга ҳуштак чалганини эшитди. Бас, кучук турди ва у томонга қараб юрди. Ит у киши билан бирга ов қилиш учун ўрмонга қараб юрди. Кичик бола асалари, қушча ва итларнинг қиладиган иши бор эканини кўргач: "Ундай бўлса мен ҳозир мактабга бораман, уйга қайтганимдан кейин онамдан (ўйнаш учун) бироз вақт сўраб, шунда ўртоқларим билан бирга ўйнайман", деди.

16-дарс

قَالَ مُحَمَّدٌ: الْعَبُّ مَعِيَ فِي الْجَنَّةِ. قَالَ: لَا، لَا أَذْهَبُ لِلْعَبِّ. أَنَا الْآنَ مَشْغُولٌ بِالْعَمَلِ، لَيْسَ عِنْدِي وَقْتُ لِلْعَبِّ. إِذَنْ نَلْعَبُ بَعْدَ الْعَصْرِ. بِكُلِّ سُرُورٍ، إِذَنْ نَلْعَبُ فِي ذَلِكَ الْوَقْتِ. دُودَةُ الْقَدِّ يُعْطِي لَنَا حَرِيرًا. يَا لَيْتَنِي كُنْتُ عَالِمًا مِثْلَ هَذَا الرَّجُلِ. بَعْدَ أَنْ أَحْضِرُ دَرْسِي سَأَذْهَبُ إِلَى الْحَدِيقَةِ. فَأَسِيرُ فِيهَا مَعَ أَصْدِقَائِي. الْفَرَسُ رَابِضٌ بِجَوَارِ الْبَيْتِ. الطَّيْرُ فِي عُشَّتِهِ. نُبَّةُ الْحَادِمِ شَدِيدًا.

17-дарс

Тавфиқ мактабга боради

Эрталаб она ўғли Тавфиқга: "Сен ҳозир мактабга кетяпсан. Келчи, кийимларинг тозалигини кўрай", деди. У келганида (онаси) қаттиқ танқид қила бошлади. Унга: "Сен юз-қўлингни ювиб, сочингни тарашингдан олдин мактабга боришинг лойиқ эмас. Оёқ кийимингни қара, ипи ечилган, уст кийимингга қара, кир бўлган. Эрталаб сен биринчи бўлиб қилишинг керак бўлган иш бу тоза бўлишингдир. Бу ишда сен отангга эргашгин. Билмайсанми ўғлим, сенинг бу ҳолатда мактабда бўлишинг устозингни ҳақорат қилиш саналади. Сенда тозаликка риоя қилиш учун керак бўлган буюмлар йўқми? Ана у ерда тоғора, сув, совун, сочиқ, тароқ ва чўтка бор", деди. Тавфиқ онасининг сўзларидан насиҳат олди ва хонасига қайтиб кетди. У юзини ювиб, сочини тараб, оёқ кийимини тозаллаганидан кейин китобларини кўтариб, расмда кўриб турганингиздек мактабга йўл олди.

17-дарс

لَا تَحْقِرْ مُعَلِّمَكَ. صَابُونَ، وَمُشَطٌّ، وَفُرْشَةُ الْأَشْيَاءِ اللَّازِمَةُ لِلْمُحَافَظَةِ عَلَى النَّظَافَةِ. اقْتَدِ بِأَوْلَادِ الْمُؤَدِّبِينَ فِي كُلِّ أُمُورٍ، لَا تَكُنْ مَعًا بَعِيرِ الْمُؤَدِّبِينَ! لَا أَرَى فِي هَذَا الْحَالِ، فَاغْسِلْ وَجْهَكَ وَنَظِّفْ مَلَاسِكَ! هَلْ يَكُونُ الْوَلَدُ الْمُؤَدَّبُ هَكَذَا؟ يَجِبُ عَلَى التِّلْمِيذِ أَنْ يَكُونَ نَظِيفًا دَائِمًا. فَاتَّعِظْ بِكَلَامِ الْمُعَلِّمِ! تَخَرَّجْتُ مِنْ رَوْضَةِ الْأَطْفَالِ فَذَهَبْتُ إِلَى الْمَدْرَسَةِ.

18-дарс

Бўри ва кичкина кўзичок

Қадим замонда сувга ташна бир кўзичок бўлган эди. У жуда кичкина эди. У сув ичиш учун кичик бир дарёга борди. Бу дарё баланд тоғдаги ўрмонга яқин эди. Ўрмондан бир бўри чиқиб юрдида, кўзичокнинг олдига келиб, унга: "Мен ичмоқчи бўлган сувни сен ифлосладинг", деса, кўзичок: "Мен қандай қилиб сувни ифлос қиламан? Ахир сен сув тушиб келадиган баланд жойда турибсан, мен эса сув келадиган паст жойдаман", деди. Бўри кўзичокқа: "Сен ҳозир менга ёлғон гапиряпсан, сен ўтган йили мени сўккан эдинг", деди. Кўзичок: "Мен ўтган йили туғилмаган эдим. Мен олти ойликман холос", деди. Бўри: "Ундай бўлса, мени сўккан сенинг аканг", деди. Кўзичок: "Менинг акам йўқ", деса, бўри: "Ундай бўлса мени сўккан сенинг отанг", деди. Кўзичок: "Мен етимман, менинг на отам ва на онам йўқ", деди. Бўри: "Ундай бўлса бирор қариндошинг ёки дўстинг мени сўккан эди. Сени азоблашдан бошқа чор йўқ", дедида, сўнгра уни тишлари билан кўтариб, ўрмонга олиб борди-да, уни еб битирди.

18-дарс

يَا أَيُّهَا الْأَوْلَادُ، لَا تُعَكِّرُوا الْمَاءَ! لَا تَكْذِبْ عَلَيَّ. عُمْرِي سِتَّةُ سِنَوَاتٍ، وَأَمَّا صَدِيقِي سَلِيمٌ عُمُرُهُ ثَمَانِي سِنَوَاتٍ. وُلِدَ الطِّفْلُ فِي الْعَامِ الْمَاضِي. وَلَدَتْ أُمِّي أَنثَى. لِي صَدِيقٌ إِسْمُهُ مُحَمَّدٌ، وَهُوَ يُحِبُّنِي حُبًّا شَدِيدًا. ذَهَبَنِي فِي الْجُمُعَةِ الْمَاضِيَةِ إِلَى الْحَدِيقَةِ. مَشِينَا فِيهَا ثَلَاثَ سَاعَاتٍ. لَا يَشْتِمُ الْوَلَدُ الْمُؤَدَّبَ. لَيْسَ لِي أَبٌ، وَلَا أُمَّ وَلَا أَقْرَبَاءَ.

19-дарс

Кучук

Камбағал кичик бир бола йўлда нон бўлагини еб ўтирарди. Бас у ўзидан узокрокда ухлаб ётган бир кучукни кўрди. Уни чақириб нонни кўрсатди. Кучук бирор лукма беради, деб ўйлаб, нонни олиш учун унга яқинлашди. Боланинг олдига келганида ҳасса билан унинг бошига урди. Шунда кучук оғриқнинг алаmidан бақириб қочди. Ўша вақтда бир киши уйининг деразасидан қараб турар эди. У бўлиб ўтган барча воқеъани кўрди. У қўлига ҳасса олиб, эшик тагига турди-да, болани чақириб унга пул кўрсатди. Шунда бола пулни олиш учун қўлини узатган эди, ҳалиги киши унинг бармоқларига шундай бир урдик, кучукнинг бақирганидан ҳам қаттиқроқ қичқириб юборди. Сўнгра бола у кишига: "Нимага мени уряпсиз, ахир мен сиздан ҳеч нарса талаб қилмадим-ку? деди. Шунда у киши: "Сен ҳам қандай қилиб бирор нарса талаб қилмаган кучукни урасан?" деди.

19-дарс

ادْعُوا لِي مُحَمَّدًا! اعْطِ لِهَذَا الْمِسْكِينِ وَلَوْ تَمْرًا. ضَرْبَتْهُ بِالْعَصَا، فَصَرَخَ صُرَاخًا شَدِيدًا. بَكَى شَدِيدًا. إِيدَاءُكَ
أَجْبَرَنِي أَنْ أَصْرُخَ. مَدَّ يَدَكَ، سَأَعْطِيكَ التَّمَن. دَعَوْتُكَ مَا جِئْتَ فِي وَقْتِ الْمُعَيَّن. عِنْدَمَا قَالَ مُحَمَّدٌ: "اجْتَهَدْتُ
الْيَوْمَ كَثِيرًا"، فَقُلْتُ لَهُ: "إِذَنْ تَنَالَ الْجَائِزَةَ".

20-дарс

Ўйин

Марҳабо, ҳуш келибсиз ўйин вақтига

Албатта у шодлик ва хурсандчилик вақтидир

Дарс вазифаларини ҳеч инкор қилмаймиз
Аммо лекин уларни доим эслаймиз
Агар ўйнасак вазифани таҳқирламаймиз
Албатта бу вақт ўйин вақтидир
Дарсларнинг кўплиги жисмга машаққатлидир
Улар нафсга сиқилиш ва қайғу келтирур
Болалар учун ўйиндек шифо йўқдир
Ўйиндан бошқаси нафсни шод айламас
Бу фойдали ўйинни Аллоҳ қўлласин
Биздан дарс оғирлигин кетказувчидир
Вақтни зое қилганларнинг барчаси тентақдир
Ўйин фаолиятига яроқли эмасдир
Шу ўйин билан бирга бўлган дарс мароқлидир
Шунда барча ишлар тартиб билан кетади
Албатта дарссиз ўйин ҳаромдир
Шунингдек ўйинсиз дарс ҳам ҳаромдир.

20-дарс

اللَّعِبُ مُفِيدٌ جَدًّا لِلْأَوْلَادِ، فَيُرِيحُ الْجَسَدَ، وَيَأْتِي إِلَى النَّفْسِ هَنَاءً. وَلَكِنْ يَلْزَمُ لَهُ أَنْ يُعَيِّنَ الْوَقْتَ الْمُعَيَّنَ.
الْوَلَدُ الَّذِي يَلْعَبُ وَقْتَ الدَّرْسِ هُوَ غَيْرُ مُؤَدَّبٍ وَكَسْلَانٌ. لَا تَقْضِ كُلَّ أَوْقَاتِكَ سَوَاسِيًا، بَلْ اَلْعَبْ وَقْتَ اللَّعْبِ،
وَأَدْرُسْ وَقْتَ الدَّرْسِ. إِنَّمَا الدَّرْسُ بِإِلَّا اللَّعْبِ حَرَامٌ. وَكَذَلِكَ اللَّعْبُ بِإِلَّا دَرْسٍ حَرَامٌ.

21-дарс

Маймун ва дурадгор

Ҳикоя қилинишича, бир маймун тахтани устига миниб олган ҳолатда тахтачани ёраётган дурадгорни кўрди. Дурадгор ҳар гал тахтачадан бир қулоч ёрса, ўша ёриқни ичига пона киргизар эди. Маймун унга қараб турар ва дурадгорнинг иши уни лол қолдирар эди. Сўнгра дурадгор ўзининг айрим ҳожатлари учун кетди. Маймун ҳам худди дурадгор бажаргани каби иш қилишни хоҳлади. Маймун тахтани устига минди. Юзини пона томонга ва орқасини эса тахтача тарафга қаратди. Думини эса ёриқни ичига осилтириб турар эди. Сўнгра маймун понани суғирди ва ёриқ унинг думини сиқиб қолди. Сўнгра у даҳшатли равишда қичқира бошлади ҳатто оғриқни кучлилигидан ҳушидан кетаёзди. Шу вақтда дурадгор тахтачанинг олдига келди ва уни мана шу ҳолатда кўрди. Дурадгор бир таёқчани олди ва уни қаттиқ зарба билан ура бошлади. Дурадгор томонидан етказилган озор тахтачадан етган нарсадан кўра қаттиқроқ бўлди.

21-дарс

عَايِنْتُ الْمَرِيضَ. عَلِقَ اللَّيْسَ عَلَى الْمِشْحَبِ. تَمَنَيْتُ أَنْ أَكْتُبَ كَمَا كَتَبَ مُحَمَّدٌ. عُمِّي أَبِي عَنْ وَعِيهِ
وَكَادَ أَنْ يَمُوتَ. كِدْتُ أَنْ تَبْكِي. كَانَ اسْتِفَادَتِي مِنْ هَذَا الْعَمَلِ أَفِيدَ مِنْ غَيْرِهِ. نَسَأَلُ اللَّهَ الصِّحَّةَ وَالسَّلَامَةَ.
ذَهَبْتُ إِلَيْهِ لِيَعُضَ حَاجَتِي. أَخَذْنَا نَأْكُلُ. تَوَجَّهْتُ إِلَى الْكَعْبَةِ، فَسَرَعْتُ إِلَى صَلَاةِ الْعِشَاءِ. يَجِبُ عَلَيْكَ أَنْ
تَذْهَبَ إِلَى الْمَدْرَسَةِ عَلَى هَذَا الْحَالِ.

22-Дарс Отасиз

Кичик етим бир бола ўқиш ва ёзишни ўрганиш учун мактабга келар эди. Кунларнинг бирида унга муаллими ушбу "Ота-онангни ҳурмат қил" деган қоидани ёзиб берди, чунки унга ўхшаш сўзни дафтарига ёзиши учун шундай қилган эди. Бола дафтарни олиб бир неча сатр ёза бошлади. Сўнгра

қаламини тарк қилди ва йиғлади. Кўз ёшлари икки яноғи устига туша бошлади. Сўнгра яна ёза бошлади, лекин отаси ҳақида фикрлаганида ўзини тутиб туришга қурби етмади. Йиғи билан овозини кўтарди. Унга муаллим: "Сенга нима бўлди эй ўғлим?" деди. Мен бу қоидани ёзишга қодир эмасман. Мен отамдан етим қолганман. Менга ундан бошқасини ёзиб беришингизни илтимос қиламан, деди. Бас, унга нисбатан муаллимнинг қалби юмшади ва дафтарида унинг қалбида отасига нисбатан маҳзунликни сабабчиси бўлган варақни йиртди ва унга бошқасини ёзиб берди.

22-дарс

كَمْ عُمْرُهُ؟ فَاطِمَةُ بَاكِئَةٌ جِدًّا. صَارَتْ دُمُوعُهَا تَجْرِي عَلَى خَدَّيْهَا. أَكْرِمُوا أَبَوَيْكُمْ دَائِمًا. لِأَنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ النَّاسَ الَّذِينَ لَا يُكْرِمُونَ آبَاءَهُمْ. أَنَا يَتِيمٌ. لَيْسَ لِي أَقَارِبِي. أَعْطِنِي ثَمَنًا قَلِيلًا، أَدْهَبُ إِلَى السُّوقِ وَأَشْتَرِي كِتَابًا. يَا أَحِي! أَرْجُو مِنْكَ أَنْ تَجِيءَ إِلَيْنَا الْيَوْمَ بَعْدَ الْجُمُعَةِ. اخْفِظْ لِسَانَكَ مِنَ الْكَذِبِ، لَا تَشْتِمَ أَحَدًا، وَلَا تَحْقِرْ، وَلَا تَقُلْ كَلِمًا سَيِّئًا. وَلَمَّا رَأَيْتُ هَذَا الْمِسْكِينَ، حَزِنَ قَلْبِي فَدَعَوْتُهُ فَأَطَعَمْتُهُ، ثُمَّ أَعْطَيْتُ لَهُ مِنْهُ سَوْمَ مَبْلَعًا.

23-дарс

Салимнинг қовушмаслиги

Салим кичик ёшдаги бола. Лекин у жуда қовушмаган, кийимлари ва китобларини қаерга қўйганини билмайди, вақтини уларни қидиришга сарфлайди. У кўп маротаба мактабга бориш учун белгилаб қўйилган вақтдан кеч қолар эди. Бир куни эрталаб онаси унга:

- Эй Салим! Мактабга бориш вақти бўлди, дархол ҳозирлан", деган эди.

- У хўп бўлади, деди.

- Овқат соладиган халтани ҳозирладингми?

- Ҳа.

- Кўп жузлик ўқиш китобинг қани?

- Билмайман.

- Кеча дарсингни ўқиганингдан кейин уни қаерга қўйдинг?

- Унутдим.

- Вақт ўтиб кетишидан олдин уни тезда қидир. Салим китобни изтироб ҳолида қидириб, уйда фойдасиз айланиб юрар эди. Онаси уни шу ҳолатда кўргач, у билан бирга излаш учун ўрнидан турди. Биринчи қадамида хонасидаги курсининг тагидан топди. Уни қўлига олди ва уни ўғлига берди. Салим китобни олди ва эшик томон юзланди. Шунда онаси унга қуйидагича сўзлади:

- Математика дафтаринг қаерда?

- Билмайман.

- Шу ҳолда мактабга китобларсиз борасанми? Бундай боришдан нима фойда? Соатга қулоқ тут, у саккиз бўлганини билдирыпти.

- Агар мен мактабга белгиланган вақтда киришдан кечиксам қаттиқ жазоланаман. Шунинг учун сиздан илтимос, китобни топишда ёрдам беринг, деб уйда йиғлаган ҳолда айланар эди. Онаси иккинчи марта ўрнидан турди ва китобни шкафнинг орқасидан топди, уни ўғлига берди ва кўз ёшларини артиб, унга қуйидаги сўзни айтиб жўнатди. Сен тартибга риоя қилсанг дарсга кечикмайсан, йиғламайсан ва хафа ҳам бўлмайсан.

23-дарс

دَقَّ الْجُرْسُ الْخَامِسَةَ. ذَهَبْتُ إِلَى الْمَدْرَسَةِ مَرَّةً ثَانِيَةً. أَنْ وَقْتُ الدَّرْسِ. حَفِثْتُ عَنْ قَوْتِ وَقْتِ الدَّرْسِ. فَتَشَّ عَنْ كِتَابِكَ. سَقَطَ كِتَابِي وَرَاءَ الْخِزَانَةِ. تَأَخَّرْتُ عَنِ الدَّرْسِ. يَا صَدِيقِي، لِمَاذَا تَأَخَّرْتَ عَنِ الدَّرْسِ؟ لَا تَحْزَنْ، يَا عَبْدَ الرَّحْمَنِ! عَبْدُ الْكَرِيمِ وَلَدٌ طَوِيلُ الْقَامَةِ، لَكِنَّهُ خَفِيفُ الْجُنَّةِ. أَلَا تَعْرِفُ أَيْنَ ذَهَبَ عَبْدُ اللَّهِ؟ لَا، لَا أَعْرِفُ. ضَعُ كُتُبَكَ فِي الْمِحْفَظَةِ. أَخَذْنَا نَشْرَبُ الشَّايَ. بَعْدَ أَنْ قَرَأْتُ دَرْسِي خَرَجْتُ لِلْعَبِّ. هَاتِ هَذَا الْكِتَابَ.

24-дарс

Ким ўзгага зулм қилса зулмга дучор бўлур

Бечора, бева бир хотин ўзи ва етим болалари кечки овқатни емоғи учун бир бўлак пишлоқ сотиб олди. Бас уни икки мушук ўғирлашди ва тақсимда тортишиб қолишди. Қози бўлиши учун маймунни олдига бордилар. Маймун бундан хурсанд бўлди ва дарҳол тарозуни ҳозирлади. Маймун пишлоқни икки бўлакка, яъни катта ва кичик бўлакларга тақсимлади ва уларнинг ҳар бир бўлагини тарозунинг палласига қўйди. Каттаси кичкинасини босиб қолди. Маймун катта бўлакни олдида, ундан бир бўлакни узиб олди. Бу билан кичкинасига баробар қилишни қасд этди. Маймун ҳалиги бўлакни тарозунинг палласига қайтарган вақтида иккинчи бўлаги оғир келди ва иккинчи бўлакни олди ва унга ҳам худди аввалгисига нисбатан қилгани каби унга ҳам шу ишни қилди. Шунда икки мушук маймунга: "Сен бизларга қолган нарсани бергин, батаҳқиқ биз розимиз", дейишди. У икковларига: "Сизлар рози бўлсангиз ҳам бунга адолат рози бўлмайди", деб ҳар қачон бўлак оғир келгани сайин ундан еяверди. Икки мушук уни кўргач: "Бу икки бўлак тугашига оз қолди. Илтимос уни тарозуга қўйма, қолганини бизга бера қол", дедилар. Маймун: "Сизлар шошилманглар эй дўстлар, чунки мен сизлар учун ҳукм қилганим каби ўзим учун ҳам ҳукм қилмоғим керак. Мана бу қолган нарса менинг заҳматимнинг қийматидир", деб, сўнгра маймун пишлоқдан қолганини тишлаб олдида, уларга одил ҳакамнинг кетмоқликка қилган ишораси каби ишора қилди.

Бирор бир қўл йўқки, агар бўлса ҳам Аллоҳнинг қўли ундан устундир.

Бирор бир золим кимса йўқки, агар бўлса ҳам ундан устунроғи ила балоланур.

24-дарс

قَطَعَ الْجَزَّازُ قِطْعَةَ اللَّحْمِ وَقَدَّمَ. لَا تَظْلِمُ أَحَدًا. يَا صَدِيقُ! لَا تَعْجَلْ. قِفْ عَنِ الْبُكَاءِ. زِنْ هَذَا اللَّحْمَ. زِنُوا هَذَا الشَّحْمَ. رُدِّ لِي كِتَابِي. فَرِيدٌ وَسَلِيمٌ تَلْمِيزَانِ مُجْتَهِدَانِ. هَلْ أَخَذْتَ هَذَا مَعَ الرِّضَاءِ. يَا لَيْتَنِي كُنْتُ عَالِمًا مِثْلَ هَذَا الرَّجُلِ.

25-дарс

Тулки ва қарға

Ҳикоя қилинишича, бир қарға гўшт бўлагини ўғирлаб, уни олиб учди-да, ейиш учун учиб бир дарахтга қўнди. Дарахт остида тулки бор эди. Тулки қарғани кўриб, ундан гўшт бўлагини ҳийла билан олиб қўймоқликни хоҳлади ва: "Эй қарғалар жамоаси! Кўринишингиз гўзал ва овозларингиз ҳам яхшидир, мен қушларнинг орасида сизлардан кўра овози яхши ва кўриниши гўзалроғини билмайман. Мен овозларингизни эшитишга муштоқдирман. Бироз сайраб, гўзал овозинг билан хурсанд этишингни илтимос қиламан, мендан сенга ташаккурнинг улкани бўларди", деди. Қарға бу сўздан ғурурланди ва ўзини тулки васф қилгандек чиройли овоз эгаси деб ўйлади. У қаттиқ хурсанд бўлганидан ўзини тутиб туролмади, оғзини очиб қичқириб юборди. Гўшт бўлаги оғзидан тушиб кетди. Тулки уни олди ва еди.

25-дарс

أَطْرَبَنِي الْبُلْبُلُ بِصَوْتِهِ الْجَمِيلِ. غَرَّدَ الطُّيُورُ. سَأَلَ دَمْعُهُ. لَا تَعْتَرِّ بِكَلَامِ النَّاسِ. طَارَ الْغُرَابُ وَنَزَلَ عَلَى شَجَرَةٍ. كَانَ فِي فَمِهِ قِطْعَةُ اللَّحْمِ. جَاءَ الثَّعْلَبُ وَأَخَذَ يَمْدَحُ صَوْتَهُ الْجَمِيلِ. اغْتَرَّ الْغُرَابُ بِكَلَامِ الثَّعْلَبِ، فَأَخَذَ يَصِيحُ. فَسَقَطَتْ قِطْعَةُ اللَّحْمِ مِنْ فَمِهِ. فَأَخَذَهَا الثَّعْلَبُ وَأَكَلَهَا.

26-дарс

Олим ва унинг қизи

Ҳикоя қилинишича, уламоларнинг биридан унинг қизи бир куни, ўзининг кичкина укаси билан, пасткашлик ва разиллик билан танилган бошқа бир қизниқига боришликка изн сўради. Отаси унга рухсат бермади. Қиз: "Сиз бизни кичкина бола, деб ўйлаяпсизмики, ҳатто бу қизга қўшилишимиздан кўрқмоқдасиз-а? Деди. Отасининг олдида бир ўчоқ бўлиб, унинг ичида кўмир бор эди, ундан бир бўлакни олди ва қизига: "Бу бўлакни ушлагин", деди. У эса бош тортди, чунки унда олов бор, деб ўйлади. Отаси қизга: "Кўрқма! Унда олов йўқ", деди. Уни оловдан ҳоли эканлигини билгач, қўли билан ушлади. Қизнинг қўли кир бўлди ва уни ташлаб юборди. Кўмир кийимига тушиб, кийими ҳам кир бўлди. Отаси: "Кўрдингми? кўмирни ушлашинг икки қўлинг ва кийимингга таъсир қилди. Демак, ёмон дўстга аралашин табиат ва феълга таъсир қилади", деди.

26-дарс

اسْتَأْذَنْتُ مِنْ أُمِّي أَنْ أَذْهَبَ إِلَى صَدِيقِي سَعِيدٍ. فَأَذْنَتْ أُمِّي، وَلَكِنْ أَكْثَرْتُ الرُّجُوعَ إِلَى الْبَيْتِ بَعْدَ سَاعَتَيْنِ. بَعْدَ أَنْ لَعَبْنَا سَاعَتَيْنِ، جِئْنَا مَعَهُ إِلَى بَيْتِنَا. لَعَبْنَا مَعًا حَتَّى إِلَى غُرُوبِ الشَّمْسِ. لَا تُخَالِطُ مَعَ الْوَالِدِ دُوَ الْحِسَّةِ. خَالِطُ دَائِمًا مَعَ الْأَوْلَادِ الْمُؤَدِّبِينَ. أَمْسَكْتُ الْفَحْمَ، فَاسْوَدَّتْ يَدِي. الْعُلَمَاءُ هُمْ الْمُكْرُمُونَ. ضَعُ الْحَشَبَ فِي الْمَوْقِدِ. أَتَلْعَبُ مَعَ هَؤُلَاءِ الْأَوْلَادِ السُّوءِ؟ يَجِبُ عَلَيْكَ أَنْ تَلْعَبَ مَعَ أَوْلَادِ الْمُؤَدِّبِينَ.

27-дарс

Арслон боласи ва сичқон

Арслон боласи куннинг ўртасида сичқоннинг тешиги олдида чалқанча ётарди.

Бир гал сичқон унинг олдида югуриб чикди, уни бир мартадан бошқа кўрмаган эди.

Албатта унинг васфидан ва кафтидаги тирноқларидан таниди.

Сичқон қаерга боришни ва уни қўллари орасидан қандай қочишни билмай ҳайрон бўлди.

Арслон боласи уни кўрққанини кўриб, унга: "Юр эй сичқон, ўлимдан кўрқма" деди.

Бироз ўтгач арслон боласи ернинг бир бўлагида ёйиб кўйилган тузоққа илинди.

Сичқон унинг ёнидан ўта туриб: "Сенга нима бўлди? Сени нима шу аҳволга солди, менга айтчи", деди.

Эй ваҳшийлар подшоҳи, нима қияпсан? Мен сени ҳаётда таъма қилади, деб ўйламаган эдим.

Сўнгра сичқон бу тузоқни кемира бошлади. Арслон боласи эса унда ётар ва ҳаракатланмас эди.

Сичқон уни жамлаб тишлари билан кемирди, ҳатто уни кесишга қодир бўлди.

Арслон боласи қутулиб қолди ва сайрга равона бўлди, у (тузоқ)дан нажот топди ва ўлими завол топди.

У: "Сабр ва бардавомлик билан маҳол нарсага ҳам етиб бўлар.

Кўпинча йигит тоқат ва кучи билан ета олмайдиган нарсасига ўзининг ҳийласи билан етар.

Албаттга ким яхшиликка ишласа, унинг мукофоти тез ёки келажакда бўлар.

27-дарс

كَانَ الْهَيْرُ وَاقِفًا أَمَامَ جُحْرِ الْفَأْرِ، فَلَمَّا رَأَهُ الْفَأْرُ قَالَ لَهُ: "مَاذَا تَصْنَعُ هُنَا أَيُّهَا الصَّدِيقُ؟". قَالَ لَهُ الْهَيْرُ: "لَا، أَنَا لَسْتُ عَدُوًّا لَكَ، أُحِبُّكَ كَثِيرًا، كَانَ أَبُوكَ صَدِيقًا لِي، أُرِيدُ أَنْ أَكُونَ صَدِيقًا مَعَكَ أَيْضًا". قَالَ الْفَأْرُ: "إِذَا كُنْتَ صَدِيقًا بِي، لِمَاذَا أَكَلْتَهُ؟". قَالَ الْهَيْرُ: "أَكَلْتَهُ مِنْ مَحَبَّتِي". قَالَ الْفَأْرُ: "إِذَنْ لَا أُرِيدُ أَنْ أَكُونَ صَدِيقًا مَعَكَ"، فَدَخَلَ إِلَى جُحْرِهِ. الْأَسَدُ مَلِكُ الْوُحُوشِ. وَقَعَ التَّعَلُّبُ فِي الشَّرِّكَ. بِالصَّبْرِ تَنَالُ لِمَقْصُودِكَ.

28-дарс Телеграф

Ҳасан – Эй Комил! Сиз бугун шахрингизга сафар қиласизми?

Комил – Ҳа, пешинги поездда сафар қиламан.

- Отанг вокзалга от жўнатиши учун мактуб жўнатдингми?
- Йўқ, лекин ҳозир жўнатаман.
- Билишимча, сен ҳозир хатни ёзсанг, дарров етиб бормайди, балки эртага етиб боради.
- Тўғри, лекин отамга телеграмма жўнатаман.
- Телеграмма қандай юборилади?
- Отам учун айтишни хоҳлаган сўзларимни ёзаман ва телеграф идорасидаги кишига бераман, у отамга уни бир соатдан кам вақтда жўнатади.
- Бир соатдан камроқ? Бу ажойибку?
- Нега ҳамма инсонлар мактублар ўрнига телеграмма ёзмайдилар?
- Чунки, хатнинг нархи ўн тийин, телеграмманики эса, кўпроқдир.
- Телеграмманинг нархи қанча?
- Телеграммада ҳар-бир сўзнинг нархи етти тийиндир.
- Отам учун ёзган телеграмманинг суратига қара.
- Сўзларни санаб бўлгунимча кутиб тур.
- Унда ўнта сўз бор экан.
- Ҳа, шунинг учун унинг нархи етмиш тийиндир.
- Буни отамга жўнатиш учун мен ҳозир телеграф идорасига боришим керак.
- Мен билан боришни хоҳлайсанми?
- Ҳа, телеграф идорасини кўриш учун сен билан боришни хоҳлайман, чунки уни умуман кўрмаганман!

28-дарс

ذَهَبْتُ مَعَ صَدِيقِي إِلَى مَكْتَبِ التَّلْغُرافِ لِأُرْسِلَ التَّلْغُرافَ. أُجْرَةُ التَّلْغُرافِ كَثِيرَةٌ مِنْ أُجْرَةِ الْمَكْتُوبِ. إِلَى أَيْنَ تُسَافِرُ؟ إِلَى طَشَقَنْدَ. مَتَى تَرْجِعُ مِنْ هُنَاكَ؟ سَأَرْجِعُ تَقْرِيبًا بَعْدَ أُسْبُوعٍ. رَقَدْتُ بَعْدَ الظُّهْرِ قَلِيلًا. النَّسْرُ مَلِكُ الطُّيُورِ. البُلبُلُ أَجْمَلُ الطُّيُورِ صَوْتًا، مَا رَأَيْتُهُ قَطُّ. لَكِنْ أَعْرِفُهُ بِالِاسْتِمَاعِ. أَجِيءُ إِلَيْكَ بَعْدَ قَلِيلٍ. هَلْ تَذْهَبُ مَعِي إِلَى الْمَحَطَّةِ؟ نَعَمْ.

29-дарс

Чигиртка ва чумоли

Ҳикоя қилинишича, бир чигиртка ёз кунларини ўт-ўлан ва гуллар орасида қўшиқ айтиб куйламоқлик билан ўтказар эди. Қиш кунларига озиқ-овқатдан бирор нарса ғамламади. Қиш келди ва унда ейиш учун ҳеч нарса йўқ эди. Уни ҳайрат ва маҳзунлик қамраб олиб, нима қилишни билмай қолди. Очлик уни кун сайин ҳолдан тойдирар ва қаттиқ озишга олиб борар эди. У сакраш ва қўшиқ айтишдан тўхтади. Унга яқин жойда, ёзда қаттиқ ишлаш билан машғул бўлган чумоли бор эди. У ўзи учун озиқ-овқатдан баҳор фаслигача етадиганини ғамлаган эди. Чигиртка чумолининг олдига бориб, овқат қарз сўрашни кўнглидан ўтказди. Уни олдига бориб: "Эй қўшнижон, орамиздаги қўшничилик ҳаққи билан очлигимни тўсадиган бирор нарса қарз беришингни сўрайман. Очлик мени озитиб юборди. Сендан бошқа қарз берадиган кишини топа олмадим. Ёз кунларида озиқ-овқатни зиёдаси билан қайтараман", деди. Чумоли: "Эй дўстим! Ёз фаслида ҳамма инсонлар қишга тайёрланганда сен нима қилдинг? Нега бошқалар тайёрлангани каби тайёрланмадинг? Сен ёз бўйи касал бўлганмидинг?" деса Чигиртка: "Йўқ, эй дўстим! Мен ҳамма вақтимни қўшиқ айтмоқлик билан ўтказдим ва қиш кунларига ғамлаш кўнглимга келмади", деди. Шунда чумоли уни мазаҳ қилиб: "Ундай бўлса сен қишни рақс билан ўтказгин. Сен кабилар раҳм-шафқат ва яхшиликка лойиқ эмас", деди.

29-дарс

اسْتَفْرَضْتُ مِنْ صَدِيقِي خَمْسَ مَلِيَمَاتٍ. هَزَلٌ فَرِيدٌ. خَطَرَ بِيَالِي أَنْ أَكْتُبَ إِلَيْهِ مَكْتُوبًا. اسْتَعَدَّ لَأَيَّامِ الضَّيْقِ. هَاتِ لِهَذَا الْمُسْكِينِ مَا يَكْفِيهِ مِنَ الْقُوْتِ لِلْيَوْمِ يَسُدُّ بِهِ جُوعَهُ. فَضَى وَقْتَهُ بِالْعَمَلِ. أَحْسِنِ الْمَسَاكِينَ وَأَنْفِقْ لَهُ مِنْ مَالِكَ. كُنْ نَشِيطًا كَالْتَّمَلَةِ، وَلَا تَكُنْ كَسَلَانًا كَالصُّرْصُورِ. أَفْرَضْتُ جَارَةً لَنَا مَلِيْمَانِ. ذَهَبْنَا إِلَى الْعَابَةِ، فَلَعِبْنَا بَيْنَ الْأَشْجَارِ، وَالْأَعْشَابِ، وَالْأَزْهَارِ، فِي وَقْتِ الظُّهْرِ اغْتَسَلْنَا وَافْتَرَسْنَا السَّمَكَ مِنَ الْبُحَيْرَةِ. وَفِي الْمَغْرِبِ رَجَعْنَا إِلَى الْبَيْتِ.

30-дарс

Қаландар ва ҳийлакорлар

Дарвеш кишининг бир неча сўм пули бор эди. Қурбонлик қилиш учун бир қўйни сотиб олишни истади. Ҳайитдан икки кун олдин бозорга чиқди ва семиз қўйни сотиб олди. У қўйни етаклаб уйга қайтаётган вақтида қўйнинг шаъни ва семизлигини ўйлаб Аллоҳ таолодан у қурбонлигини даргоҳида қабул этишини сўраб борди. Шу пайт уни ҳийлакорлар жамоаси кўриб қолди ва қаландардан ҳийла билан тортиб олишни келишиб олдилар. Улардан бири кўриниб: Эй қаландар! Сендаги бу қандай кучук?" деди. Сўнгра улардан иккинчиси кўриниб, дўстига қарата: "Бу қаландар эмас, чунки қаландарлар ит етаклаб юрмайди, бу қаландарларнинг амалларидан эмас", деди. Сўнгра учинчиси кўриниб, икки дўстига: "Бу қаландар кишининг ҳолига нима бўлдики, ит етаклаб юрибди, ўйлашимча у тарки дунё қилган қаландар киши эмас, албатта у мажнундир", деди. Улар ҳийла қилишдан тўхташмади, унга шунга ўхшаш гапларни гапириб ҳийла қилишда бардавом бўлишди, ҳатто қаландар қўлидагини қўй эмас, балки у аниқ ит, деб ўйлаб қолди. Уни сотган кишини аниқ кўз бўямачи, деб ўйлади. Бас, қўйни қўлидан қўйиб юборди-да, манзили томон йўл олди. Қаландар ҳийлакорларнинг кўзидан узоқлашгандан кейин уни олиб, ўзлари хоҳлаган тарафга қараб йўл олдилар.

30-дарс

مَنْزِلُنَا قَرِيبٌ مِنْ مَنْزِلِكُمْ. يَعْيشُ فِي حَيِّنَا النَّاسِكُ. هُوَ رَجُلٌ طَيِّبٌ. يُصَلِّي كَثِيرًا، وَيَصُومُ وَلَا يَظْلِمُ أَحَدًا. وَلَهُ ابْنٌ صَغِيرٌ. هُوَ وَلَدٌ مُؤَدَّبٌ جَدًّا. أُعْطِيَ لِي ثِقَاحًا مِنْ حُرْمَةِ جَدِّي. وَأَكَلْتُهُ مَعَ صَدِيقِي مُحَمَّدٍ. اشْتَعَلْتُ فِي هَذَا الشِّتَاءِ كَثِيرًا، فَهَزَلْتُ. سَأَجِيءُ إِلَيْكَ قَبْلَ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ مِنَ الْعِيدِ الْأَضْحَى. تَشَاوَرْنَا أَنْ نَذْهَبَ إِلَى الْحَدِيقَةِ.

31-дарс

Копток

Бир куни ўқувчилар мактаб майдонига чиқдилар. Сўнгра улар билан ўйнаш учун муаллим ҳам чиқди. Улардан муаллим: "Қайси ўйинни ўйнашни хоҳлайсизлар?" деб сўради. Улардан баъзилари: "Олма ўйинини ўйнаймиз", деб жавоб бердилар. Бошқалари: "Йўқ, балки копток ўйинини ўйнаймиз", дедилар. Биз олма ўйинини яхши кўрадиганлардан кўпроқмиз, дедилар. Муаллим: "Ундай бўлса, биз кўпчилик тарафга эргашамиз ва копток ўйнаймиз", деди. Сўнгра майдонни четидаги баланд тарафга туриб олди ва коптокни болаларга ота бошлади. Ким коптокни кўли билан ушласа, ундан бошқаси коптокни олгунича уни қайтариб отаверар эди. Ўйин вақти тугаганда мактаб кўнғироғи чалинди. Ўқувчиларнинг ҳар бири ўз жойларига қайтишди. Сўнгра муаллим турди ва уларга: "Эй болаларим, эшитинглар! Мен сизларга ажойиб катта копток ҳақида қисса айтиб бераман", деди. Бас, ўқувчиларнинг барчаси сукут сақладилар ва ҳаракатланмасдан жим ўтирдилар. Кўзлари муаллимга қаратилган эди. Муаллим: "Осмонда жуда катта муаллақ копток бор, у ўт-ўлан ҳамда гуллар билан безатилган. Унинг устида баланд тоғлар, чуқур водийлар ва дарёлар оқизиб қўйилган. Унинг ажойиблиги шундаки, у бир дақиқа ҳам тўхтамайди, балки унда ўт-ўлан, гуллар, тоғлар, водийлар ва дарёлар билан бирга доим ҳаракатда бўлади. Ушбу шар ер курраси бўлиб, биз унда яшаймиз ва унинг устига уйлар, қишлоқлар ва шаҳарлар қурамиз. Ўрмонларида эса ваҳший ҳайвонлар ва қушлар яшайди. Аллоҳ ушбу ерни яратди ва уни бизга яшайдиган жой қилиб берди ва уни яйловлар, дарахтлар билан безатди, унда дарёларни оқизди ва денгизларни бирлаштирди. Эй Роббимиз, ишларинг нақадар улкандир, уларнинг барчасини ҳикмат билан яратдинг!

31-дарс

مَا أَجْمَلَ كُرْتُكَ؟ مِنْ أَيْنَ أَخَذْتَهَا؟ اشْتَرَى أَبِي مِنَ السُّوقِ، تَعَالَ نَلْعَبْ مَعًا فِي الْبَيْتِ. جَيِّدٌ. عَلَّقْتُ
 أَلْبِسْتِي عَلَى الْمَشْحَبِ. هَذَا الْوَادِي عَمِيقٌ جَدًّا. جَلَسْنَا حَتَّى إِلَى الْمَسَاءِ بِدُونِ نَوْمٍ. هَذَا شَيْءٌ عَجِيبٌ. قَصَّتْ
 جَدَّتِي حِكَايَةً عَجِيبَةً جَدًّا. هَذِهِ الْأَنْهَارُ طَوِيلَةٌ. اللَّهُ خَلَقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضَ. وَزَيَّنَ السَّمَاءَ بِالشَّمْسِ، وَالْقَمَرِ
 وَالنُّجُومِ. وَزَيَّنَ الْأَرْضَ بِالْأَعْشَابِ، وَالْأَزْهَارِ، وَالْعَابَاتِ، وَالْجِبَالِ، وَالْجَدَاوِلِ، وَالْبَحِيرَاتِ، وَالْبَحَارِ. وَنَحْنُ نَسْتَفِيدُ
 مِنْ هَذِهِ الْأَشْيَاءِ كُلِّهَا.

32-дарс

Тўполонинг билан тўшакдагии касални безовта қилма

Салимнинг туғишган опаси қаттиқ касалланиш билан бемор бўлди ва ўша беморлик билан ётишга имкони бўлмади. Унинг онаси ухлаши учун ҳамма чораларни қилди ва у ҳеч фойда бермади. Иттифоқо, унинг ухлаши беш кунлик даволашдан кейинга тўғри келди. У ухлаш асносида туғишган укаси Салим унга бўлган бепарволигидан, ғазабдан эмас уйда ёғочдан бўлган отни югуртира бошлади. Ўша отни унга отаси қурбон ҳайитида ҳадя қилган эди. Шу онда онаси хонадан чиқди ва безовта қилгани учун уни койиди. Салим озгина вақт сукут сақлади, сўнгра тўполон ва ҳаракатланишга тушди. У ((дахдах)) деб бақирар ва отни қамчи билан урар эди. Шу алфозда давом этди ҳатто опаси уйғониб кетди ва тумовнинг қаттиқлигидан инграб юборди. Шунда онаси унга ғазаб назари билан қаради. Бу қарашдан Салим хижолат чекди ва шу онда узоқдаги хонага кириб, китобини олди ва дарсларини жидду-жаҳд ва фаоллик билан тайёрлай бошлади.

Кўпинча азиятни дафъ қилишини кутган кишингдан,
 Айни унинг ўзи томонидан озор сенга келур.

32-дарс

هَذِهِ شَقِيقَتِي. نَظَرْتُهُ نَظْرَةَ الرَّحْمَةِ. ضَرَبْتُ الْفَرَسَ بِالسَّوْطِ. قَفَزَ مِنْ شِدَّةِ الْأَمِّ. رَكَضَ الْفَرَسُ. فَرَكَضَ وَرَاءَهُ
 كَلْبٌ. وَنَحْنِي الْمُعَلِّمُ لِتَأْخِيرِي عَنِ الدَّرْسِ. أَسْكُتْ، وَلَوْ قَلِيلًا. أَهْدَانِي أَبِي كِتَابًا فِي عِيدِ الْفِطْرِ الْمَاضِي. أَبْكَتْ
 صَدِيقَتِي فَاطِمَةُ الطِّفْلَ.

33-дарс

Овчи ва балиқ

Овчи билан кичик шаҳарлардан бирида ҳолат юзага келди.

Албатта у истихора амалини қилгандан кейин, таомни қармоққа маҳкамлади.

Овчи сувни ичига қармоқни бироз солгач тўрга бармоқ каби балиқ илинди.

Балиқ унга: "Менга ўхшаганларда фойда борми? Кошки эди сен мени бақага алмаштирсанг.

Мен кичкинаман ва менда қизиқиладиган нарса йўқ, менда таъм йўқ ва тўйиш йўқ.

Мени икки йилга бўшатиб, қўйиб юбор, катта бўламан ва кейин бу маконда ҳозир бўламан.

Сен мени овламоқ учун тўрни денгизга ташлагин, ҳатто инсонлар балиқ овлади десин", деди.

Овчи: "Балки мен жоҳилни ўзгинаси бўлиб қоламан, нақд ўрнига насияни олсам.

Мавжуд нарсани ташлаб, йўқ нарсани тамаъ қилган ҳолида талаб қилиш ожизликдир", деди.

33-дарс

بَلَدَةٌ صَغِيرَةٌ. كَبُرَ. هَذَا أَكْبَرُ الْبِلَادِ. لَا تَتْرِكُ الْمَوْجُودَ بِطَلَبِ الْمَفْقُودِ. صِدْتُ السَّمَكِ الصَّغِيرِ. اغْتَسَلْنَا فِي الْمَاءِ. فِي هَذَا الْبَحْرِ السَّمَكُ كَثِيرٌ. مَنْ جَاءَ إِلَيْكَ بِالْأَمْسِ: مُحَمَّدٌ أَوْ مُحَمَّدٌ. لَا، مَا جَاءَ مُحَمَّدٌ بَلْ جَاءَ مُحَمَّدٌ. هَذَا السَّمَكُ وَهَذَا الصَّفْدَعُ. لَا تَطْمَعِ الْمَفْقُودَ! هَذِهِ الْجِبَالُ كَبِيرَةٌ جِدًّا. هَذِهِ الْأُودِيَّةُ عَمِيقَةٌ جِدًّا.

34-дарс

Ғоз ва турна

Турна кўлмакда сузиб юрган ғозни кўрди, у баланд овозда ўзига ўзи: "Мен жуда ажойиб қушман. Чунки, мен ерда юраман, сувда сузаман ва ҳавода учаман. Мендан бошқа қушда ушбу хислатларни жамлагани йўқ. Мен ҳамма қушларнинг подшоҳиман", деди. Турна ғознинг сўзларини эшитгач, унга: "Эй қушларнинг аҳмоғи! Нега сен ўзингда йўқ бўлган нарса билан фахрланасан? Сен юришга, сузишга ва учишга қодирсан, лекин сен кийик каби югуришга, балиқ каби сузишга ва бургут каби учишга қодирмисан? Сен бир нарсани мукамал билганинг кўп нарсаларни сифатсиз ҳолда билмоғингдан яхшироқдир", деди.

34-дарс

صَوْتُ هَذَا الطَّيْرِ جَمِيلٌ. رَأَيْتُ الطُّيُورَ الْكَثِيرَةَ عَلَى هَذِهِ الرَّهْرَةِ. بَوْمٌ طَائِرٌ كَبِيرٌ جَدًّا. يَقُولُونَ: "البُومُ افْتَرَسَ العُصْفُورَ. وَلَمَّا عَلِمَ العُصْفُورُ أَنَّهُ يُأْكَلُ، قَالَ لَهُ: "يَا أَيُّهَا الْمَلِكُ! قُلْ اسْمُكَ، لِأَعْرِفَ اسْمَ الَّذِي يَأْكُلُنِي"، البُومُ فَتَحَ فَمَهُ قَلِيلًا وَقَالَ: أَنَا بَوْمٌ. قَالَ العُصْفُورُ: مَا سَمِعْتُ، فَقُلْ مُرْتَفِعًا. مَا عَرَفَ البُومُ أَنَّ العُصْفُورَ كَذَبَ، وَفَتَحَ فَمَهُ وَاسِعًا فَصَرَخَ بِأَعْلَى صَوْتِهِ: أَنَا بَوْمٌ. وَفِي الْحَالِ أَفَلَتِ العُصْفُورُ مِنْ فَمِهِ وَطَارَ."

35-дарс Пашша

Эй жажжи болакай! Сенга нима бўлдики, фақат менга зарар бериш билан ҳаёт сен учун мароқлидир. Сен, мени бирор-бир жойда кўрсанг тутиб олиш учун менга қўлингни чўзасан. Мен сенга нима ёмонлик қилдим? Мен кичкина, ожиз пашша бўлсам, сен эса катта ва кучлисан. Аллоҳ сенга куч-қудратни менга ўхшаган кичкина махлуқотларга зарар бериш учун ато қилган, деб ўйламагин. Аллоҳ менга ҳаёт берди, Аллоҳ менга берган мана шу ҳаётда мени яшашликка қўйгин. Сенга кимдир пашшани жисмидаги ажойиботлар ҳақида хабар берганми? Сен бу нарсалардан бирортасини эшитгансан, деб ўйламайман. Агар эшитганингда, мени тутиб олиб зарар беришдан хурсанд бўлмас

эдинг. Мен, оёқларим тепада, бошим эса пастда бўлган ҳолда шифтда худди ернинг полида бемалол юргандек юра оламан. Менга фарқи йўқ. Сен мени тутиш учун неча марта кўлингни узатдинг аммо қодир бўлмадинг. Чунки, сен кўлингни чўзган пайтингда, сен менга етиб олишингдан олдин тезлик билан бир макондан кейинги маконга учаман. Менда сенга ўхшаб иккита кўз бор, деб ўйлайсанми? Шунинг учун кўлингни орқамдан чўзасан. Кўра олмайди, деб кўлингни мендан беркитишга ҳаракат қиласан. Шу билан бирга кўлингни чўзганингда сени кўраман ва қочиб қоламан. Менда кўплаб кўзларим бор, чунки улар сени икки кўзинг каби ҳаракатланмайди. Албатта икки кўздан иборат бўлган кўзларим юзта кичкина кўзлардан таркиб топган. Улардан ҳар бири нинани учи кабидир. Мен улар ёрдамида барча тарафларга қарай оламан, олдинга, орқага ва барча жойларга. Бу кичкина кўзларим билан ким кўлини мени ушлаш учун чўзганини кўраман ва учиб ундан омонда қоламан. Мен ҳеч қачон бир ерда турмайман. Балки, хоҳлаган томонимга учаман. Егуликларни яхшиларига, ичимликларнинг ширинига кўнаман. Кимдир мени ҳайдаса кетаман, сўнгра қаерда бўлсам шу ерга қайтаман. Мен товушни кўплигини ёқтирмайман. Мени иккита қанотим учган пайтимда ҳам, қўнган пайтимда ҳам товуш чиқармайди, мен ишларни барчасини товуш чиқармаган ҳолатда қиламан. Мени учиб юрганимни ҳеч ким билмайди, фақат қўнганимда сезади.

35-дарс

سَقَطَتِ الدُّبَابَةُ عَلَى الطَّعَامِ. مَدَدْتُ يَدِي لِكَيْ تُمْسِكَهَا وَمَ أَقْدِرْ. عِشْنَا فِي بُحَارَى شَهْرَيْنِ. لِكُلِّ طَيْرٍ جَنَاحَانِ. لَسْتُ أَحِبُّ كَثْرَةَ الضَّحْكَ. يَا أَيُّهَا الْكَسْلَانُ، لَمْ تَفْتَحِرْ. لَا شَيْءَ خَفِيٍّ عَلَى اللَّهِ. أَذْهَبُ إِلَى حَيْثُ أَشَاءُ. عُيُونُ الدُّبَابَةِ كَثِيرَةٌ جَدًّا. وَكُلُّ وَاحِدٍ مِنْهَا مِثْلُ رَأْسِ الْإِبْرَةِ.

36-дарс

Эшак ва хўкиз

Ҳикоя қилинишича, бир кишининг эшак ва хўкизи бор эди. Эшак буткул роҳатда яшаб, бирор иш қилмас эди. Хўкиз эса узлуксиз равишда ишлар эди. Кунларнинг бирида хўкиз дўсти эшак ҳузурига бориб, ҳолини унга шикоят қилди ва бу қийин машаққатдан қутилиши учун бир йўл кўрсатиши сўради. Унга эшак: "Эй дўстим! Сенга бир фикр айтаман. Сен ўзингни касалга солишинг керак. Бу кеча емингни емаслигинг даркор, сен шундай қилсанг, эртага хўжайинимиз сени ер ҳайдашга олиб бормади ва дам олиб ётасан", деб айтди. Бас хўкиз эшакнинг насиҳатини қабул қилди ва уни кўрсатмасига биноан иш тутди. Эрталаб бўлганида уларни хўжайинлари келди ва хўкиз овқатини емаганини кўрди. Уни тарк қилиб, ўрнига эшакни олди ва у билан кун бўйи ер ҳайдади. Эшак кўп чарчади ва хўкизга қилган насиҳатидан афсусланди. Кечқурун қайтиб келганида, хўкиз унга: "Ҳолинг қандай эй дўстим?" деди. У: "Яхши", деди. Мен бугун хўжайинимизни агар хўкизда шу ҳолат давом этиб, овқатини емаса, пулидан зарар кўрмаслик учун уни сўйишдан бошқа чора йўқ, деди. Эй дўстим! Сенга маслаҳатим шуки, бу улкан бало бошингга тушмаслиги учун, сен ҳозир одатингга қайтиб, емингни ейишинг керак, деди. Хўкиз эшакни айтганини эшитди ва уни гапида ростгўй ва маслаҳатгўй, деб ўйлади ва шу онда ўрнидан туриб, емини ея бошлади. Эрталаб бўлганида хўкизнинг еми ейилганини хўжайин кўргач, у касалдан шифо топди, деб фикрлади ва уни одатдагидек ер ҳайдаш учун олиб чиқди.

36-дарс

تَمَارَضَ التِّلْمِيذُ الْكَسْلَانَ لِكَيْ لَا يَذْهَبَ إِلَى الْمَدْرَسَةِ؟ هُوَ رَجُلٌ صَادِقٌ. بَعْنَا فَرَسَنَا بِثَمَنٍ قَلِيلٍ فَتَدِمْنَا كَثِيرًا. لَا يَحْزَنُ الْوَالِدُ الْمُجْتَهِدُ. ذَلِكَ سَيَتَيَسَّرُ لَكَ. عَمِلْتُ الْيَوْمَ بِدُونِ انْقِطَاعٍ. أُرِيدُ أَنْ أَذْهَبَ إِلَيْكَ غَدًا. حَرَّتْنَا الْأَرْضَ مَعَ الثَّوْرِ طَوَّلَ يَوْمٍ. هَذَا بَلَاءٌ عَظِيمٌ. شَكَّوْتُ أَمْرِي إِلَيْهِ. أَصَابَكَ الْبَلَاءُ.

37-дарс

Она эчки ва бўри

Бир қария киши ўрмондаги чайлада яшар эди. Бу қария шу ўрмоннинг қоровули эди. Уни бир неча товуғи ва эчкиси бор эди. Кунларнинг бирида она эчки чайлага яқин жойда ўтлаб юрар ва унинг атрофида товуқлар ҳам бор эди. Шу пайт ўрмоннинг ўртасидан бўри чиқиб, улар томон юзланди. Бу бўри хўрознинг қичқиришини ҳеч қачон эшитмаган эди. У чайлага яқинлашган пайтда хўроз қаттиқ овоз билан қичқирди. Бўри хўрознинг қичқириғидан қаттиқ кўрқиб кетди ва бирор нарсага қарамасдан қочди. Бўри мендан кўрқиб қочиш кетди, деб она эчки ўйлаб, унга етиб олиш учун югурди. Бўри чайладан бироз узоқлашганидан кейин эчки олдига қайтиб, уни овлади.

Бечора эчки! Аҳмоқлар ўлимида ҳалок бўлди.

37-дарс

ذُنْبٌ. ذُنْبٌ. تُغَلَّبُ. أَسَدٌ. بَيْرِيٌّ. إِئِيلٌ. أَرْزَبٌ. طَارَدَ الْكَلْبُ الْأَرْزَبَ. افْتَرَسَ الثَّغْلَبُ الدَّجَاجَ. يُوجَدُ فِي هَذِهِ الْعَابَةِ وَحُوشٌ كَثِيرَةٌ. الْحَمْدُ لِلَّهِ شَفِيثٌ مِنَ الْمَرَضِ. هَذَا الرَّجُلُ حَارِسٌ. هَرَبَ لَا يَلْوِي عَلَى شَيْءٍ. كَانَ الصَّبَاحُ. صَاحَ الدَّيْكُ. ذَهَبَ الشُّيُوخُ إِلَى الْمَسْجِدِ. حَرَسَ الْحَارِسُ. دَخَلَ السَّلَاطُونَ دَاخِلَ الْمَمْلَكَةِ. مَاتَ الْإِمْرَأَةُ الْمَسْكِينَةَ.

38-дарс Дарслар

Сен ҳамма дарсларда фаоллик билан жидду-жаҳд қил, шунда сен ҳам илм боғидаги орзулар мевасига етишасан.

Албатта вақт ёниб ўчгувчи чакмоқ кабидир, сен уни ғанимат бил ва ўзингдан дангасаликни даф қилг.

Сен умрни бошини беҳудага ўтказма! Шундай қилсанг унинг охирида беҳуда ўтказганнинг ёмонлигин кўрасан.

Илмни ўрганиш ўқувчи учун умрни аввалидир, сен эса шошиб қол.

Дарсни ҳижжалаб ўқигин ва таҳлил қилгин, барча дарс вақтида ўқигин ва малолликдан шикоят қилма.

Сени бўм-бўш ҳамён рози қилмаганидан кейин, бўм-бўш ақл қандай рози қилсин, эй ақл соҳиби.

Сен илмни мустаҳкам ақл билан талаб қилгин, уни жамлашда барча яхши ҳийлаларни ишлатгин.

Бу вақт беҳуда ўтказиш учун берилган эмас, бу дарс, ҳаракат ва иш вақтидир.

Агар сен вақтни ўйинга кетказсанг, дарс қилмаган бўласан ва сен хорланасан ва ҳақоратланасан.

Бор ғамингни мукофотга эришиш йўлида сарф қил, мукофот олсанг фахр унвоннинг энг улуғига эришасан.

38-дарс

اغْتَنِمِ الْوَقْتَ. اِتْرِكِ الْكَسْلَانَ. اِنَّكَ لَا تَرْضَى لِعَقْلِ فَارِغٍ وَلَوْ رَضَيْتَ بِكَيْسٍ فَارِغٍ. لَمَعَ الْبَرْقُ. ضَيَعْنَا الْوَقْتَ سُدًى. كَانَ هَذَا وَقْتُ الْعَمَلِ وَالذَّرْسِ. اسْتَرَحْتُمْ كَثِيرًا، قَوْمُوا اسْتَمِرُّوا بِالْعَمَلِ. ذُرُوسْنَا صَعَبٌ جِدًّا. اَنَا لَا اَنْسَاكَ اَبَدًا. بَكَى الطِّفْلُ. اَذَّنَ مُؤَدِّنٌ.

39-дарс

Айикни овладим

- Мен айикни овладим.
- У билан бу ерга кел.
- Келмаяпти.
- Ундай бўлса уни ўз ҳолига қўй ва ўзинг кел.
- Лекин у мени қўйиб юбормаяптида.

39-дарс

كَانَتْ الصَّدَاقَةُ بَيْنَ الْفَلَّاحِ وَالذُّبِّ. وَزَرَعَا مَعًا قَمْحًا. وَلَمَّا كَانَتْ وَقْتُ الْحَصَادِ قَالَ الْفَلَّاحُ لِلذُّبِّ: يَا صَدِيقُ، لِنُقَاسِمِ الْقَمْحَ. أَيُّ قِسْمٍ تُرِيدُ: قِسْمَ الْعُلْيَا أَوْ قِسْمَ السُّفْلَى؟ قَالَ الذُّبُّ: أَرِيدُ قِسْمَ السُّفْلَى. خَدَعَ الْفَلَّاحُ هَذَا الذُّبَّ. وَزَرَعَا فِي السَّنَةِ الثَّانِيَةِ شَلْحَمًا. وَلَمَّا كَانَتْ وَقْتُ الْحَصَادِ قَالَ الْفَلَّاحُ: يَا صَدِيقُ، الْآنَ أَيُّ قِسْمٍ تُرِيدُ، قِسْمَ الْعُلْيَا أَوْ قِسْمَ السُّفْلَى؟ فَاخْتَارَ الذُّبُّ خَوْفًا مِنْ الْخِدَاعِ قِسْمَ الْعُلْيَا. وَلَكِنْ انْخَدَعَ مَرَّةً ثَانِيَةً. وَبَعْدَ ذَلِكَ قَطَعَ الذُّبُّ الصَّدَاقَةَ مَعَ الْفَلَّاحِ تَمَامًا.

40-дарс

Она ит ва она арслон

Ҳикоя қилинишича, она ит она шерни айблаб, унга: "Мен бир қоринда саккизта туғаман, сен эса биттадан бошқа туғмайсан", деди. Унга она шер: "Лекин мен битта шерхон туғаман, сен эса итваччаларни туғасан. Мени камлигим сенинг кўплигингдан яхшироқдир", деди.

40-дарс

فَرَسٌ. كَلْبٌ. هِرٌّ. حِمَارٌ. ثَوْرٌ. عَنَزَةٌ. مَاعِزٌ. دِيكٌ. دَجَاجَةٌ. بَاضَتِ الدَّجَاجَةُ. صَاحَ الدِّيكُ صِيَاحًا شَدِيدًا. حَرَنَّا الْأَرْضَ مَعَ الثَّوْرِ. مَاءَ الْهَرِّ. نَبَحَ الْكَلْبُ. أَكَلَ الْمَاعِزُ الْكُرْبُ. تَلَدُ الْكَلْبَةُ أحيانًا ثَمَانِيَةً فِي بَطْنٍ وَاحِدٍ. لَا تَخَجَلِ الْمَسَاكِينَ. فِي جَيْبِي عَشْرَ سُوْمًا. اسْتَيْقَظْتُ مِنَ النَّوْمِ. فِي الْمَاءِ يَسْبَحُونَ. وَجَّهْتُهُ لِكَسْلَانِهِ. فَضِينَا فَضَلَ الصَّيْفِ فِي اللَّعِبِ وَالتَّرْتُّمِ. غَرَدَ الطَّيْرُ. لَا تَنْخَدِعْ بِكَلَامِ النَّاسِ! مَضَى وَقْتُ الظُّهْرِ. حَانَ وَقْتُ الْمَغْرَبِ. هِيَ عَجُوزَةٌ عَادِيَةٌ.

41-дарс

Тилла қўнғиз ва маймунлар ва қуш

Маймунлар жамоаси тоғда яшар эдилар. Совук, шамолли ва ёмғирли кечаларнинг бирида улар олов қидириб топа олишмади. Бир тилла қўнғизни учиб юрганини кўрдилар. У олов учқунига ўхшар эди. Маймунлар уни олов, деб ўйлаб, кўпгина ўтин тўплашди ва уни устига ташладилар. Оғизлари билан пуфлаб, қўллари билан елпиб, совукдан исиниш мақсадида олов ёқишга ҳаракат қилишди. Улар яқинида, дарахт устида турган бир қуш улар нима қилаётганларини кўриб турар эди. Уларга нидо қилиб: "Ўзингизни чарчатманглар, сизлар кўриб турган нарса олов эмас", деди. Унинг сўзини эшитишмаганидан кейин қуш уларга яқинлашишни қасд қилиб, хатоларини тушунтиришга ҳаракат қилди. Шу пайт унинг

олдидан бир киши ўтаётиб, уни нима қилмоқчи эканлигини билди. Унга: "Тўғрилаб бўлмайдиган нарсани текислашга ҳаракат қилма, албатта эгилмайдиган новдадан камон ясаб бўлмайди", деди. Қуш учиб кетишдан бош тортди ва маймунларга яқинлашиб, тилла қўнғиз олов эмаслигини тушунтиришга ҳаракат қилди. Маймунларнинг баъзилари уни ушлаб, ерга урган эди ва қуш ўлди.

41-дарс

صَنَعْنَا قَوْسًا. انْحَيَّ قَلِيلًا. هَذَا طَرِيقٌ مُسْتَقِيمٌ. ادْعُ مُحَمَّدًا. ضَعِ الحَطَبَ إِلَى المَوْقَدِ. أوقِدِ النَّارَ. عَزَمْتُ أَنْ أذْهَبَ إِلَى العَابَةِ. ابْحَثْ عَن صَدِيقِكَ. رَأَيْتُ الحَيَوَانَاتِ المُخْتَلِفَةَ فِي حَدِيقَةِ الحَيَوَانَاتِ بِطَشَقْنَدَ. هُمُ الدِّثَابُ، وَالدَّبَبَةُ، وَالتَّعَالِيبُ، وَالفَيْلَةُ، وَالقِرْدَةُ وَغَيْرُ ذَلِكَ مِنَ الحَيَوَانَاتِ.

42-дарс

Сичқон

Сичқон кундузи ҳеч чиқмайди, балки у тешиқлар ичига беркиниб ётади.

Лекин қоронғу бўлиб, уй эгалари ухласа.

У уйда тортинмасдан айланиб, овқатдан хоҳлаганин ейди.

Баъзида у қотган нон ейди ва баъзида у бизни тотли овқатлардан маҳрум қилар:

Гўшт, сут, пишлоқ ёки сут, сут ёғидан бизни маҳрум қилар.

У мушукни сезса, яшаш учун уйга қочар.

У нажот ва омонликни қидирар, (фаровон ҳаётни ташлагани учун) надомат чекмас эди.

42-дарс

أَنَا أَحِبُّ الرُّبْدَةَ. اشْتَرْتُ أُمِّي خَمْسَةَ أَرْطَالٍ مِنَ الجُبْنِ. عَاشَ زَمَنًا طَوِيلًا. هَذَا خُبْرٌ يَابِسٌ. اخْتَبَيْتُ فِي العُرْفَةِ. أَفْرَأُ تَارَةً. نِمْتُ سَاعَةً. كُلْ مَا شِئْتَ، وَاشْرَبْ مَا شِئْتَ! نَنَامُ مَتَى نَشَاءُ، وَنَسْتَيْقِظُ مَتَى نَشَاءُ. نَسْأَلُ اللهَ السَّلَامَةَ. تَرَكْنَا مَدِينَةَ بَحْرَى.

43-дарс Пашша ва хўкиз

Пашша хўкизнинг шохига кўнди. Унга оғирлик қилдим, деб ўйлаб, хўкизга: "Агар мен сенга оғирлик қилган бўлсам, менга хабар қилки, токи мен учиб кетай", деди. Шунда хўкиз унга: "Эй бу! Мен сени кўнганингни сезмадим-у, қандай қилиб учиб кетганинг мени роҳатлантисин", деди.

43-дарс

نَمْلَةٌ. دُبَابَةٌ. بَعُوضَةٌ. بُرْعُوثٌ. قَمَلَةٌ. جَرَادَةٌ.

نَمْتُ الْيَوْمِ قَلِيلًا. يَكْثُرُ الْبَعُوضَاتُ سَرِيعًا. الْقَمَلَةُ وَالْبُرْعُوثُ وَالْبَعُوضَةُ مُضِرَّةٌ لِلْإِنْسَانِ. الصَّرْصُورُ كَسَلَانٌ جِدًّا. النَّمْلَةُ مُجْتَهِدَةٌ جِدًّا. هَذِهِ الدُّبَابَةُ كَبِيرَةٌ وَهَذِهِ صَغِيرَةٌ. هَذَا ثَقِيلٌ وَهَذَا خَفِيفٌ. أَخْبَرَنِي مَتَى تَجِيءُ إِلَيْنَا. أَظُنُّ أَنَّهُ شَجَاعٌ.

44-дарс Тулки

Тулки, ҳайвонларнинг ичида ҳийла ва маккорлик бобида энг даҳшатлисидир. Инсон нолайиқ ҳийлани кўп ишлатганида, ўша кишини тулкига мансуб, деб ҳисобланади. Иккита тулки бир жойда учрашиб қолишди ва биринчиси иккинчисидан яшаш жойи ҳақида сўради. У, дарё бўйида яшаб, у ерда шакарқамиш сўриб кун ўтказаман, деб жавоб берди. Бошқаси: "Мен билан фалон шаҳарга юргин, ўша ер сени машаққат билан шакарқамиш сўриб кун ўтказишингдан фориғ қилади. У ерда ҳар-хил ўриклар ва ундан бошқа ширин меваларни кўрасан", деди. Бас, унга эргашди ҳатто ўша шаҳарга бориб, дарахтлари кўп боғга киришди. Унда ўриклар кўп эди. Улар каттик очкўзлик билан ея бошладилар. Уларни боғбон сезиб қолди ва улар томон ҳассаси билан югуриб келди. Биринчиси қочиб кетди. Аммо иккинчи тулки у ерлик бўлмагани учун қочишга

қурби етмади. Уни боғбон тутиб олди, сўнгра узоқдан дўстига учрашув жойи қаерда? Деб нидо қилди. У: Эрталаб тери бозорида, деб жавоб қилди", деб жавоб берди.

Яъни, тонгдан олдин сўйилиб, териси шилиниб, бозорда терисини сотиш учун намоиш қилинади.

44-дарс

قَبْضَ البُسْتَانِي اللِّصِّ. يَبِيعُ جِلْدَ الفَرَسِ. أَحَبُّ المِشْمَشِ. هُوَ رَجُلٌ سَيِّئٌ جِدًّا. التَّقِينَا فِي بَلَدٍ كَذَا. يُوجَدُ فِي حَقْلِنَا بِطَيْخٍ، وَشَمَامٍ، وَكُرْنُبٍ، شَلْحَمٍ، وَحَزْرٍ، وَبَصَالٍ وَغَيْرُ ذَلِكَ مِنَ الحُضْرَوَاتِ. مَصَصْتُ قَصَبَ السُّكَّرِ. أَيْنَ مَحَلُّ إِقَامَتِكَ؟ تَأَسَّفْتُ مِنْ كَسَلِي.

45-дарс

Шер ва мусофир

Бир киши Африканинг жанубий ноҳияларига сафар қилди. У киши сафарига кенг сахрога етди. У ерда узоқдан бир шерни кўрди. Шер ҳам уни кўриб, ортидан эргашди. Агар мусофир тезлашгудек бўлса, у ҳам тезлашарди, агар секинлашса, у ҳам секинлашарди, агар у тўхтаса, у ҳам тўхтар эди. Шер уни узоқдан кузатиб келаётганини билди. Қачон, қоронғу бўлса, унга сакраб, уни овлашини билди. Мусофир унинг кўз ўнгидан қочишга қурби етмади, чунки шер ундан кўра тезроқ ҳаракат қилар эди. Уни ҳалок қилиб, ундан қутулиш учун бир хийла хусусида фикр юритди. Бас, баҳайбат харсанг тошнинг олдига келди. Унинг остида чуқур жарлик бор эди, у икки қўли ва икки оёғи билан эмаклаб, тошнинг орқасидаги четга беркинди. У, ўша ердаги харсангнинг баъзи тешикларидан қуриган дарахтни шохини кўрди ва унга бош кийими ва чакмонни кийдириб, киши кўринишига айлантириб қўйди. У ана шу ишдан бўшагач, шерни у томон худди ови қочиб кетишидан хавфсираётган киши каби тисарилиб келаётганини кўрди. Шер чакмон ва бош кийимга яқинлашиб, унга сакраган эди, шер чуқурликнинг пастига тушиб кетди ва парчаланиб вафот қилди.

45-дарс

سَافَرْنَا إِلَى مَدِينَةِ طَشَقَنْدٍ. كُنَّا فِي صَحْرَاءٍ وَاسِعَةٍ. تَأَخَّرْنَا جِدًّا. قَفَزَ الْبُرْعُوثُ. دَبَّ الطَّنْفُلُ. رَأَيْتَكَ عَنْ بُعْدٍ. أَنَا مُجْتَهِدٌ. وَأَنْتَ أَكْثَرُ إِجْتِهَادًا مِنِّي. عَادَ الْمُسَافِرُ إِلَى بَلَدِهِ. مَا فَرَزْنَا مِنْكَ. أَنْتَ أَهْلَكْتَنِي. خَلَصْتُ مِنَ الصُّعُوبَةِ بَعْدَ الْمَشَقَّةِ الشَّدِيدَةِ. أَتَمُّوا الدَّرْسَ. سَقَطْتُ إِلَى الْهُوَّةِ.

46-дарс

Қаландар

Ҳикоя қилинишича, тижоратчилардан бири ҳар куни қаландарга икки қадоқ асал жўнатар эди. Қаландар ундан ўзига керагини ер ва қолганини эса уйнинг четидаги қозикқа илиб қўяр эди. Ана шу нарсага бир ой ҳам ўтмасдан у идиш тўлиб қолди. Кунларнинг бирида чалқанча ётиб асални қимматлиги ҳақида ўйлар эди. Ўзига-ўзи: "Бу кўзадагини бир динорга сотаман ва унга иккита эчки сотиб оламан ва у ҳар беш ойда бир мартта хомиладор бўлади ва туғади. Бир йил ўтмасдан иккита эчкидан кўплаб эчкилар кўпаяди. Баъзи эчкиларни сотаман ва уни пулига мол сотиб оламан ва ер, уруғ сотиб олиб, ерни ижарага бераман. Буқалар учун экин ва сигирни сутидан ва болаларидан манфаат оламан. Беш йил ўтмасдан мен зироатдан кўплаб мол-дунёни қўлга киритаман. Дабдабали уй қураман ва зотдор отларни сотиб оламан, хизматкор ва чўриларни ишга ёлламан ва чиройли солиҳа аёлга уйланаман. У хомладор бўлади сўнгра менга зотдор бола беради, унга исмларни энг яхшисини танлайман. У катта бўлганида яхшилаб одоб бераман ва одоб беришда унга қаттиққўллик қиламан. Менга итоат қилса қилди аммо итоат қилмаса шу таёқ билан ураман, деб қўли билан кўзага ишора қилган эди ва у чилпарчин бўлди. Ундаги нарса уни юзига оқиб тушди.

46-дарс

انكسرَ القلمُ. كسرتَ القلمَ. امتلأتِ البحيرةُ. رقدَ النَّاسِكُ مُسْتَلْقِيًا عَلَى ظَهْرِهِ. مَا انْتَفَعْتُمْ مِنَ الْفَرَسِ
وَلَوْ مَرَّةً. مَا رَأَيْتُ صَدِيقِي عَلِيٍّ مُنْذُ خَمْسِ سِنِينَ. عِنْدَمَا أَقْرَأُ الدَّرْسَ فِي الْعُرْفَةِ إِذْ خَرَجَ صَدِيقِي أَحْمَدُ. اسْتَأْجَرْنَا
الْحَادِمَ بِخَمْسِينَ مَلِيْمًا.

47-дарс

Тулки ва унинг ҳийласи

Баъзилар: "Яман ерларида сафарда бўлдик", дедилар. Кечки овқатни тановул қилиш учун дастурхонни солдик. Шом намози кирди. Сўнгра овқатланамиз, деб намоз ўқиш учун турдик. Дастурхонни шу ҳолича тарк қилдик. Унда иккита товук бор эди. Тулки келди ва уларни бирини олиб кетди. Намозни ўқиб бўлгач афсусландик. Биз шу ҳолатда турганимизда, яқинимизга тулки келди. Унинг оғзида товукқа ўхшаган нарса бор эди, тулки уни ерга қўйди. Биз уни товук, деб ўйлаб унинг олдига шошилдик. У, нариги товукни олдига келди-да, хонтахта устидан олди. Биз наригини олиш учун турганимизда бориб қарасак у пўстлоқ, яъни мочалкага ўхшаган нарса экан, у товукқа ўхшатиб ясаган эди. Қайтганимизда, ҳийласи сабаб икки товукни қўлдан бой бердик.

47-дарс

هَذَا الرَّبَادِي قَدِيمٌ؟ صَلِّ دَائِمًا. صَامَ فَرِيدٌ. أَكْرَمَ الْمَسَاكِينَ. أَطْعِمَ الْمَسَاكِينَ. ظَنَنْتُ أَنَّهُ فَرَسٌ، وَكَانَ
حِمَارًا. أَسْرِعْ إِلَى الصَّلَاةِ. يَا أَيُّهَا الْأَوْلَادُ تَعَالَوْا عَلَى الطَّعَامِ. وَضِعَ الطَّعَامُ عَلَى الْمَائِدَةِ. أَطِيعُوا اللَّهَ! ذَبَحْنَا الثَّوْرَ.
قَطْرَةُ الْمَاءِ غَالِيَةٌ لِلْعَطْشَانِ.

48-дарс

Ёмонларга қўшилиш

Ҳикоя қилинишича, бир деҳқон ўз ерига буғдой экди. Экин ўсиб, улғайгач дон кўрина бошланди. Қарғалар уни ҳар-кун ейишда бардавом бўлдилар, ҳатто буғдойга талофат етди.

Дехқон уни кўргач қарғани ўлдиришга жазм қилди. Унинг битта тўтиси бўлиб, ўша қушларга аралашиб юрар эди. Кунларнинг бирида одатига кўра, дўстлари бўлмиш қарғаларни олдига чиқди. Хўжайини эса бундан беҳабар эди. Иттифоқо, шу кунни дехқон қарғаларни ёмонлигидан қутулиш учун уларни ўлдиришга тайёрланган эди. Бас, милтиқни олди ва қарғаларни отди. Улардан учтаси ерга ўлик ҳолатда тушди ва тўтини оёғи синди. Дехқон, тўтини оёғи синиб ерга йиқилганини кўргач, ҳайратда қолди. Чунки уни қарғалар билан бирга эканини билмас эди. Сўнгра унга: "Бу сенга ёмонлар билан дўст бўлганинг учун етди", деб ундан кейин шу ҳолатда уйига кўтариб борди. Дехқоннинг болалари тўтини кўришгач, унга кўп афсусландилар ва оталаридан нима бўлганини сабабини сўрадилар. Оталари: "Ёмон қарғаларга кўшилгач у мана шу мусибатга дучор бўлди", деди.

Сўнгра тўти касалидан шифо топгач доим дехқон болаларига: "Ёмонларга кўшилманг, ёмонлар билан дўст бўлманг", дер эди.

48-дарс

حَرْنَا الْأَرْضَ ثُمَّ زَرَعْنَا الْمَمْحَ . نَمَّا الْمَمْحُ وَظَهَرَ فِيهِ الْحُبُّ . وَلَمَّا كَانَتْ وَقْتُ الْجَنِيِّ ذَهَبْنَا فَحَصَدْنَا .
 انْكَسَرَتْ رِجْلُ الْعَرَابِ . لَا يَلِيْقُ بِكَ مُصَاحَبَةَ الْأَشْرَارِ . لِمَاذَا تَبْكِي؟ مَا لَكَ؟ الْحَمْدُ لِلَّهِ شَفِي أَبِي مِنْ مَرَضِهِ .
 اسْفُتُ بِمَفَارِقَتِي مِنْهُ . تَأَسَّفْتُ كَثِيرًا . مَا كُنْتُ أَعْرِفُ أَنَّكَ مَعَهُمْ . قَالُوا: أَنَّكَ هَالِكٌ .

49-дарс

Ким ўргатди?

Ким қушчага дарахт ичига уя қуришни ўргатди.

Шохлар қасри каби, унга тош қўймасдан.

Ким асаларига, гулдан асал йиғишни ўргатди.

Қиш кунларига тайёрланиб, уни малолсиз жамлайди.

Ким булбулга, чиройли куйларни куйлашни ўргатди.

Чиройли куйлари билан барча дилларни шод қилишни.

Ким чумолини ёзда таом йиғишга йўллади.

Ўз инига тартибга риоя қилган ҳолда жамлашни.

Аллоҳ унга ўргатди ва уни йўллади.

Аллоҳ барчага тўғри йўлни ато этади, ким ундан сўраса.

Сен Аллоҳдан орзуларингни сўрагин, ким сўраса орзуси бекор кетмайди.

49-дарс

بَجْنِي النَّحْلَةَ الرَّحِيقَ مِنَ الزَّهْرِ. أَطْرَبْنَا الْبُئْبُلَ بِصَوْتِهِ الْجَمِيلِ. اعْطَيْتُهُ قُوًّا لِّلسَّنَةِ. تَلَوْتُ سُورَةَ مِنَ الْقُرْآنِ الْكَرِيمِ. عَلَّمْتُهُ الْأَشْعَارَ الْجَمِيلَةَ. أَظْلَمَ اللَّيْلُ. هُوَ فِي غَايَةِ الرَّاحَةِ. ضِعَّ الْكُتُبُ فِي الْمَحْفَظَةِ، فَاسْتَرَحَ قَلِيلًا. عَلَّمَ الشُّعْلَ مِنَ النَّمْلَةِ. هُوَ أَكْبَرُ مِنِّي بِأَرْبَعِ سِنِينَ. اسْتَلَمْتُ الرِّسَالَةَ مِنْ جَدِّي.

50-дарс

Она эчки ва айиқ

Кунларнинг бирида она эчки ўзини кичкина болаларини тўйдириш мақсадида уйдан чиқиб кетди. Айиқдан кўрққани учун ўзидан бошқага эшикни очмасликларини тайинлади. У чиқиб кетганидан биров ўтгач айиқ келди ва эшикни тақиллатди. Сен кимсан? Дедилар. Мен амакингиз қўйман, сизларни зиёрат қилиш учун келдим, деди. Йўқ, бизлар онамиздан бошқага эшикни очмаймиз, дейишди. Айиқ кетди сўнгра қайтиб келиб яна эшикни тақиллатди. Сен кимсан? деб сўрадилар. Айиқ: "Мен онангизман", деди. Барчалари яқинлашиб, эшикни тешигидан қарадилар ва оёқларини қоралигини кўриб эшикни очмаймиз, чунки оёқларинг қора, ойимизнинг оёқлари эса оқ, дейишди. Айиқ буни эшитиб шу ҳолида кетди ва оёқларини оқ рангга бўяди. Сўнгра эшикка қайтди ва эшикни тақиллатиб: "Мен онангизман", деди. Уни оқ оёқларини кўрганларида эшикдаги оналари деб ўйладилар. Айиқ шошилиб кириб, уларни овлади, улардан биттаси беркиниб қолган эди. Онаси қайтиб келганида болаларидан битта улоқча қолган эди холос. Ундан буни сабабини сўраганда,

нима бўлганини айтди ва шунда уни қайғуси ортди ва йиғлаб қаттиқ хафа бўлди. Эй болам! Бу нарсаларнинг ҳаммаси, ишларда бепарво бўлиб, тафаккур қилмаганингиз натижасидир. Сизларни жавобингиз душманингизни ҳийлаларига ва алдовларига эшикни очди ва оқибатда акаларингни овлаши унга осонлашди.

50-дарс

نَظَرْتُ مِنْ ثُقُبِ الْبَابِ. جِئْتُ لِزِيَارَتِكُمْ. أَوْصَتْنِي أُمِّي أَنْ لَا أُصَاحِبَ الْأَوْلَادَ غَيْرَ الْمُؤَدِّبِينَ. لِذَلِكَ أَنَا
أَلْعَبُ مَعَ أَوْلَادِ الْمُؤَدِّبِينَ. أَحْضِرْ لِي الطَّعَامَ. افْتَحُوا لِي الْبَابَ. صَبَعْنَا مَنْزِلَنَا بِلَوْنٍ أَخْضَرَ. تُؤَيِّ صَدِيقِي،
فَنَدِمْتُ لَهُ كَثِيرًا. هَذِهِ نَتِيجَةُ عَمَلِكَ. حَافِظْ عَنِ الْعُدْوَانِ.

51-дарс

Икки ўғри ва эшак

Ҳикоя қилинишича, икки ўғри эшак ўғирладилар ва улардан бири уни сотиш учун кетди. У бир кишига учрашиб қолди. Унинг қўлида балиқ бўлган бир лаган бор эди. Унга: "Бу эшакни сотасанми?" деса, у: "Ҳа", деди. У: "Мана бу лаганни ушлагин, мен уни миниб текшириб кўргач сотиб оламан", деди. Ўғри лаганни ушлади, у киши эшакни минди. У эшакни миниб бориб келди ҳатто ўғридан кўп узоқлашди. Баъзи кичкина кўчаларга кириб, кўздан ғойиб бўлди. Ўғри бундан ҳайратга тушди охири унга қаратилган ҳийлалигини билди. У идиш билан қайтганида, дўсти уни кутиб олди ва: "Эшакни нима қилдинг, уни сотдингми? Деди. У: "Ҳа, сотдим", деди. Қанчага сотдинг, деса, ўғри: "Бош бошга, яъни ўз пулига сотдим, бу идиш эса фойдага қолди", деди.

51-дарс

رَبِحْنَا أَمْوَالًا كَثِيرًا. فَأَبْلَثُ صَدِيقِي عَبْدَ اللَّهِ فِي زُفَاقٍ. أَكَلْنَا صَحْفَةً مِنَ الطَّعَامِ. بِكُمْ تَبِيعَ فَرَسَكَ هَذَا؟ أَيْبَعُ بِخَمْسٍ وَسِتِّينَ سُومًا. هَذَا غَالٍ جِدًّا. إِذْ تَبِيعَ بِخَمْسِينَ سُومًا فَأَشْتَرِي. لَا، لَا أَيْبَعُ بِخَمْسِينَ سُومًا. إِذَا تُرِيدُ فَأَشْتَرِ بِسِتِّينَ سُومًا، إِذَا لَمْ تُرِدْ فَلَا تَشْتَرِ. أَنَا أَرْبِخُ مِنْ ذَلِكَ خَمْسَ سُومٍ فَقَطْ. صَدَدْنَا الْغُرَبَانَ. مَضَى خَمْسَةُ أَيَّامٍ، وَلَكِنَّهُ لَمْ يَرْجِعْ.

52-дарс Бўри

Бўри, йиртқичлар ичида энг хулқи ёвузи ва хиёнати кучлиси ва инсонга зарарлисидир. У итдан каттароқ ва ҳайвонлар ичида унга энг ўхшашидир. У, ўз уйини инсонлардан узоқда бўлган ўрмонларга қуради. Ёз кунларида қуёнлар, қушлар ва улардан бошқа кичкина ҳайвонлар ҳисобига кун кўради. Қиш кунларида ўрмонлардан чиқади ва ўлжа талабида саҳроларда тўда бўлиб айланиб юради. Унда айтарли куч йўқ. Лекин у, кўрқувни билмайди. Агар уни очлиги кучайса ёвузлиги ортади ва қишлоқларни пойлаб, қўй, мол ва отларга ҳужум қилади. У кўпинча тонгда итлар ухлаётган пайтда ҳужум қилади. Ундан қочмаса у инсондан кўрқади. Лекин инсон, ундан кўрққанини билса, унга етиб олишни ва уни овлашни истаб қолади. Бўрида ҳид билиш қобилияти жуда кучли ва у бирор нарсани бир фарсахдан ёки ундан кўпроқ масофадан сеза олади. У бирор нарсани еса ва унга тўйса, унга ҳеч қачон қайтиб келмайди. Уни яна хусусиятларидан бири, қачон касал бўлса, бўрилардан ажралиб олади. Чунки, улардан бири уни касалланганини сезса, унинг атрофида тўпланиб, уни ейдилар. Унинг ажойиб ишларидан бири, агар очлиги кучайса, увиллайди. Бўрилар унинг атрофида тўпланиб, бир-бирига қараб туради. Ким орқасини ўгирса қолганлари сакраб, уни ейдилар.

Ҳикоя қилинишича, зодагонлардан бири ўз хотини билан қишки аравани миниб кетаётган эди. Уни учта от тортиб борар эди. Бўрилар галаси овлаш мақсадида ортидан тушдилар. Ҳайдовчи бўрилардан қочиб, отларни ҳайдаб, уларни қамчи билан урар эди. Бўрилар тезликни оширдилар ҳатто аравага

етиб олишди. Уларни чалғитиш учун зодагон ҳайдовчига отлардан бирини қўйиб юборишни буюрди. Уни қисқа вақт едилар сўнгра югуришга тушдилар. Ҳайдовчи кейинги отни ҳам қўйиб юборди. Учинчиси уларни қишлоқларига соғ-омон етказиб келди.

52-дарс

عَوَى الذِّئْبُ. نَبَحَ الْكِلَابُ. لَيْسَ لَهُ عِلْمٌ تُذَكِّرُ. لِمَآذَا فَارَقْتَ عَن أَصْدِقَائِكَ؟ الذِّئْبُ أَضْرُّ الْوُحُوشِ لِلنَّاسِ. لَا تَطْمَعُ مِنْ مَالِ النَّاسِ. شَعَرْتُ بِأَلَمْ شَدِيدٍ فِي مِعْدَتِي. شَبِعْنَا مِنَ الطَّعَامِ. يَا لَيْتَ يَرْجِعُ شَبَابِي. سَأَرْجِعُ إِلَيْكَ فِي مُدَّةٍ قَصِيرَةٍ. لَنَا قَطِيعٌ مِنَ الْغَنَمِ.

53-дарс

Кабутар тулки ва оққуш

Кабутар жуда узун хурмо дарахти тепасига тухум кўяр эди. У, хурмо дарахтини узунлиги сабаб, уйини қаттиқ машаққат ва кўп меҳнатдан кейин қураар эди. У, уясини қуриб бўлгач тухум кўйди. Сўнгра тухумни босди, жўжаси очилиб вояга етгач унинг олдига тулки келди. Тулкининг одатига кўра кабутарнинг олдига келса, кабутар кўрқиб жўжасидан унга ташлар эди. У кунларнинг бирида ўз уясида хафа бўлиб ўтирганида оққуш келиб, хурмо дарахтига кўнди. Унинг иккита жўжаси очиб чиққан эди. Оққуш кабутарни хафа бўлганини кўрганида, унга: "Эй кабутар! Сенга нима бўлдики, қаттиқ қайғу ва ёмон аҳволда кўряпман? Деди. Кабутар: "Эй оққуш! Мен тулки билан балоландим. Ҳар гал жўжам очиб чиққанида, олдимга келиб, юқорига кўтариламан, деб менга таҳдид қилади. Мен ундан кўрқиб, жўжамни улоқтираман", деди. Шунда оққуш: "Агар бу сафар ҳам келса, унга: "Эй тулки, қурбинг етса кўтарил, агар бунга имконинг бўлса мен ўзим учиб омон қоламан", дегин", деб айтди-да, сўнгра оққуш дарё соҳилига учиб кетди. Тулки келди ва кабутарга олдинги қилиғини яна қилди. Кабутар оққуш ўргатгани каби ишни амалга оширди. Тулки кабутарга: "Сенга

буни ким ўргатди?" деди. Кабутар: "Менга окқуш ўргатди", деди. Тулки окқуш томон қараб йўл олди ва уни дарё соҳилида турганини топди. Тулки окқушга: "Агар шамол ўнг тарафингдан келса бошингни қаерга қиласан", деди. Окқуш: "Чапга", деди. Тулки: "Агар шамол чап тарафдан келса бошингни қаерга қиласан", деди. Окқуш: "Ўнг ёки орқага", деди. Тулки: "Ҳамма тарафдан шамол келса-чи?" деса, окқуш: "Қанотларим тагига қиламан", деди. Тулки: "Қандай қиласан, менга буни кўрсат-чи!" деса, окқуш бошини қаноти тагига киргизди, шунда тулки унга сакради ва қаттиқ сиқиш билан уни сиқди ва бу билан уни бўйнини синдирди. Сўнгра: "Эй ўз нафсининг душмани! Кабутарга ўргатасан-да, ўзингга келганда бунга ожизсан", деди. Сўнгра уни ўлдирди ва еди.

53-дарс

أَفْرَحَتْ الطَّيْرُ فِرَاحَهَا. بَنَتِ الْعُصْفُورُ الْعُشَّ. بَاضَتِ الدَّجَاجَةُ. نَجَا عَنِ التَّهْلُكَةِ. جَلَسْنَا عَلَى شَاطِئِ
الْعَدِيرِ وَصَدْنَا سَمَكًا كَثِيرًا. هَذِهِ النَّخْلَةُ كَبِيرَةٌ جَدًّا. هَذَا الرَّجُلُ خَائِنٌ. الذِّئْبُ أَشْبَهُ الْحَيَوَانَاتِ بِالْكَلْبِ. اِعْتَدْنَا
أَنْ نَذْهَبَ كُلُّ يَوْمٍ إِلَى السَّاحِلِ. لِمَاذَا تَخَافُ مِنَّا؟ لَسْنَا بِذِيِّ الَّذِي يَأْكُلُكَ. حَالِي سَيِّئَةٌ. اعْطِنِي هَذَا الْقَلَمَ.
عَجَزْتُ عَنِ الْكَسْبِ.

54-дарс Қарға

Бир мағрур қарға бор эди (ушбу) замонда, у икки оёғи билан кийинчликсиз юрарди.

Бир куни у қушчани ўйнаб юрганин кўрди, қарғанинг ақлин ажаб эгаллаб қўйди.

У, қараши, сакраши, юриши ва ўтишини чиройли таҳсинга сазовор, деб билар.

Қарға унинг қараши, учиши, сакраши ва енгиллиги ҳақида ўйлаб қолди.

Унга тақлид қилишга қасд этди ва ўз ҳудудидан чиқишга ҳаракат қилди.

Ўз тоқатидаги нарсага амал қилишда давом этди, ўз табиатидаги нарса хусусида фикр қилмади.

Уни ҳаракати узоқ вақтдан кейин зое бўлди.

Малака оширишга ўтаган узоқ фурсатдан кейин у олдинги холига қайтди ва нафсини орзуга етиш билан шифолай олмади.

Лекин у юришни унутди ва қандай юришни ҳам билмай қолди.

54-дарс

رَأَيْتُ دُبًّا عَن بُعْدٍ. إِقْتَنَعْتُ مِنْ جَوَابِهِ. الْقِرْدُ حَيَوَانٌ مُقَلِّدٌ. هُوَ يُعَلِّمُ جَيِّدًا. هَلْ نَسِيتَ؟ لَا تَنَاسَى!
فَضَيْتُ خَمْسَ سَاعَاتٍ بِقِرَاءَةِ الدَّرْسِ. ضَيِّعَ وَفْتِي سُدَى. حَصَلْتُ لِمَقْصَدِي. سَعِيدٌ تَلْمِيذٌ نَشِيطٌ، لَكِنَّهُ غَيْرُ
مُؤَدَّبٍ. كُنْ مُحْتَهَدًا مِثْلَ التَّمَلَّةِ. هَلْ أَنْتَ مُجْنُونٌ؟ لِمَاذَا تَضْرِبُهُ؟

55-дарс

Ҳунайннинг маҳсиси билан қайтдим

Ҳикоя қилинишича, бир аъробий баъзи матоларни сотиб олиш учун Ҳийра шаҳрини қасд қилди. У бозордалик пайтида кўлида иккита маҳсиси бор Ҳунайн исмли этикдўз учраб қолди. Аъробий билан савдолашди, нархи қимматлиги учун сотиб ололмади. Этикдўз бундан аччиқланди ва қалбида унга бир ёмонликни яшириб қўйди. Аъробий ўтиши аниқ бўлган йўлга этикдўз ҳам чиқди. Маҳсининг биринчисини ўша йўлдаги дарахтга илди. Бироз юргач кейингисини улоқтирди-да, ўзи беркиниб олди. Аъробий дарахт устидаги маҳси рўпарасига келиб: "Бу маҳси қандай гўзал! У Ҳунайннинг маҳсисига ўхшар экан, унинг бошқа пойи бўлганида олар эдим", деди-да, сўнгра озгина юриб, маҳсининг бошқа пойи ерда ётганини кўрди. Туяни боғлаб, уни олди, сўнгра аввалги пойини олиш учун қайтди. Шу пайт Ҳунайн беркинган жойидан чиқди ва туяни олиб, жўнаб қолди. Аъробий туясини боғлаб қўйган жойига қайтганида, уни топа олмади. У кўп афсусланди ва ўз аҳли ҳузурига пиёда қайтди. Ундан Ҳийрадан нима билан қайтдинг

деб сўрадилар. У қўйидаги: “Хунайнинг икки маҳсиси билан кайтдим”, деб жавоб берди. Шундан кейин кимнинг иши юришмай ноумид қайтса, унга шу сўз зарбул масал қилинадиган бўлди.

55-дарс

حَزِنْتُ أُمِّي مَيِّ. مَرَرْنَا بِجَوَارِ بَيْتِ صَدِيقِي. رَأَيْتُ نَسْرًا عَلَى الشَّجَرَةِ. إِذَا كُنْتَ عَالِمًا، أَحْتَرِمُكَ. هَلْ عَقَلْتُمْ الْفَرَسَ؟ نَعَمْ، عَقَلْنَا. خَاطَ الْإِسْكَانِيَّ الْخُفَّ. لَا بُدَّ لِي أَنْ أَذْهَبَ إِلَى طَشْقَنْدَا. ذَهَبْنَا إِلَى سُوقِ الْخُضْرَوَاتِ، فَاشْتَرَيْنَا الْخُضْرَوَاتِ وَرَجَعْنَا. رَجَعْتُ مِنَ الْعَابَةِ إِلَى الْبَيْتِ مَا شِئًا.

56-дарс

Тўтиқуш

Тўтиқуш кабутар ҳажмича келадиган қушдир. Унинг кенг тили бўлиб, товушни ҳикоя қилишга қурби етади. Қўлга ўргатилгани, одамларнинг сўзларини ёдлайди ва уни мунтазам қайтара олади. У ҳар-хил рангда, яъни кўк ёки сариқ ёки оқ бўлади. Улар иссиқ ўлка ўрмонларида, Ҳиндистон ва Африка ва Жанубий Америка каби мамлакатларда кўп учрайди. Уларга ўрмонлардан дарахтлари зич, барглари яшил бўлгани суюклироқдир. Улар дарахтларнинг шохларига жамоат бўлиб, кўп сонда тўпланиб олиб, овозларни қориштириб куйлайдилар. Шунда улардан шовқинли овозлар эшитилар эди. У дарахт мевалари ҳисобига кун кўради. Унга бошқа мевалардан кўра кўпроқ ёввойи гилос ёқади, хусусан унинг данаги ёқади. У тумшуғи билан уради ва мағзини шу онда чиқариб олади. Тўтининг тумшуғи кучли, ўткирдир, паст қисми қисқа ва тепа қисми узун бўлиб, пастга қайрилган. Унинг оёғи бармоқларга бўлинган. Бармоқлари юмшоқ бўғимлардан иборат бўлиб, худди инсон қўл бармоқлари каби қандай хоҳласа шундай букиб ёза олади. У билан дарахтга кўтарилишида фойдаланади. Тумшуғи билан шохни ушлайди ва оёғи билан бошқасини ушлаб, сўнгра ўзини тепага тортади. Мана шундай

кўтарилишида бардавом бўлиб, хатто дарахтнинг бошига етиб олади. Тўтиқуш, чўмилишни кўп яхши кўради. Тўтиқушлар, сув талабида ўрмондан ўрмонга учишда бардавом бўлади хатто кўл ёки мусаффо суви бор дарёга келиб, у ерга тушади ва унда узоқ вақт салқинлаб қолади. Ҳаммалари сувдан чиқади ва то қурингунгача, қуёшда ўз тумшуғи билан патларини титади. Пешин бўлиб, иссиқ кучайганида, тўтиқушлар ўрмондаги сояли ва қуёш зарар бермайдиган жойни топиб, шохларни устида енгил ухлаб оладилар. Аср ёки ундан бировз кейин қайлула уйқуларидан уйғониб, сайрашга қайтадилар. Ва яна озиқ-овқат талабида тарқаладилар. Кейин чўмилишга яна қайтадилар. Қуёш ботганида дарахтнинг ўртасида туради, унда тор жой қолгунча сиқилиб, жойлашиб олади. Ундан кеч қолганлари тумшуқ ва тирноқлари билан ётоқ атрофида тун бўйи дарахт пўстлоғига осилиб турадилар.

56-дарс

لِسَانُهُ طَوِيلٌ. صَوْتُهُ جَمِيلٌ. أَعْيُنُهُ صَغِيرَةٌ. آذَانُهُ كَبِيرَةٌ مِثْلُ آذَانِ الْحِمَارِ. لِكُلِّ إِصْبَعٍ مَفَاصِلٌ. أَمْسَيْنَا فِي الْبَرِّيَّةِ. سَمِعْتُ هَذِهِ الْحِكَايَةَ مَرَّةً كَثِيرَةً. طَارَ النَّسْرُ وَالْعُرَابُ. شَرِبُوا مَاءً صَافِيًا. أَكَلْنَا اطْعِمَةً لَدِيدَةً. أَقَمْنَا فِي مَدِينَةِ سَمَرْقَنْدَ سَنَةً طَوِيلَةً. سَنَرْجِعُ الْآنَ إِلَى وَطَنِنَا طَشَقَنْدَ. اسْتَيْقَظَ الطِّفْلُ مِنْ نَوْمِهِ.

57-дарс

Тошбақа ва икки ўрдак

Ҳикоя қилинишича, ўтзор бўлган бир кўлда иккита ўрдак бор эди. Кўлда тошбақа ҳам бўлиб, у ва икки ўрдак орасида дўстлик алоқаси бор эди. Иттифоқо, кўлнинг суви камайиб кетди. Икки ўрдак тошбақа билан хайрлашиш мақсадида келиб: "Ассалому алайкум! Биз бу жойдан сув камайиб кетгани учун кетмоқдамиз", дейишди. Шунда тошбақа: "Худди кемага ўхшаган мен кабиларга сувнинг камайиши билинади. Чунки мен фақат сувдагина яшай оламан. Сизлар қаерда бўлсангиз ҳам яшашга қодирсизлар, шунинг учун мени ҳам ўзингиз билан

олиб кетинглар", деди. Улар: "Хўп" дейишди. Тошбақа: "Мени кўтаришнинг қандай йўли бор", деса, икки ўрдак: "Биз таёқнинг икки тарафидан ушлаймиз, сен эса унинг ўртасидан ушлайсан ва сен билан ҳавода учамиз. Сен одамларнинг гаплашишларини эшитсанг гапиришдан ҳазир бўл", деб сўнгра уни олиб, у билан ҳавода учдилар. Одамлар: "Ажабо! Тошбақани икки ўрдак ўрталарида кўтариб олишибди", дейишди. Тошбақа буни эшитгач: "Эй одамлар! Аллоҳ кўзларингизни ўйиб олсин", деб оғзини очган эди, ерга кулаб вафот қилди.

57-дарс

إِيَّاكَ مِنْ أَنْ تَتَكَلَّمَ كَذِبًا. لَا أَسْتَطِيعُ أَنْ أَمُكِّثَ فِي هَذِهِ الْقَرْيَةِ. غَاضَ مَاءُ النَّهْرِ. صَدِيقِي، اذْهَبِي بِي مَعَكُمْ إِلَى الرَّوْضَةِ. قَرَأْتُ سُورَةَ الْفَاتِحَةِ. هُوَ يُصَلِّي الصَّلَاةَ دَائِمًا. الْأَرْزُبُ حَيَوَانٌ سَرِيعُ الرَّكْضِ. انْزَكُوا الْكِسْلَانَ. لَا تَحْتَقِدْ أَحَدًا. يَعِيشُ كُلُّ أَنْوَاعِ السَّمَكِ فِي الْمَاءِ فَقَطُّ.

58-дарс

Кит

Кит, жисм жиҳатидан ҳайвонларнинг энг каттасидир. Мен сени бутун умринг давомида бир дона китни сиғдира оладиган уйни кўргансан, деб ўйламайман. У, денгизларда яшайди ва унда, думи ва куракоёқлари ёрдамида бошқа балиқлар каби сузади. Лекин у, балиқлар туридан, деб ҳисобланмайди, чунки у худди биз нафас олганимиз каби ҳаводан нафас олади. Китнинг жуда катта оғзи бор. Унда бирорта тиш йўқ, лекин унинг юқори жағида бир-бирига киришган, худди кийим тукларига ўхшаш хилпираб турадиган суякчалари бор. У, денгизда сузиб юрувчи кичкина балиқлар ҳисобига яшайди. Улардан бир нечтасини кўрса, улкан оғзини очади, шунда унга сув ва ундаги балиқлар ҳам киради. Сўнгра сув оғзини икки четидан чиқади ва балиқлар суяксимон тукларга илиниб қолади, уни ўша заҳоти ютади. Тижоратчилар кемалар, одамлар ва керакли ашёларни тайёрлаб, ҳар-турлик кичик ва катта найзаларни унинг жисмига

санчадилар ва ундан жуда кўп қон оқизадилар. Улар уни санчишда давом этадилар ҳатто уни кучсиз ҳолга келтириб, қон оқизиб, ҳолдан тойдирадилар. Сўнгра у сув юзасига ўлган ҳолда сузиб, чиқиб қолади. Унинг ёғини олиб, бочкаларга солиб, фойдалиқ мой қилиш учун ўз юртларига олиб кетадилар. Уни овлашда қайиқдаги овчиларга катта хатар бор, чунки китнинг кўтарилиб, тушишида денгиз сатҳида қаттиқ силкиниш юзага келади. Гоҳида у думи билан уриб, қайиқни синдиради ёки ичидаги одамлари билан ағдариб юборади.

58-дарс

يَعِيشُ السَّمَكُ فِي الْمَاءِ فَقَطُّ. هُوَ كَثِيرُ الْأَنْوَاعِ جِدًّا. يَصْطَادُونَهُ بِالصَّنَارَةِ وَالشَّبَكَةِ. الْحُوثُ أَكْبَرُ الْحَيَوَانَاتِ. هُوَ يَعِيشُ فِي الْبَحْرِ. يَصْطَادُونَهُ عَلَى السَّفِينَةِ طَعْنًا بِالْمَطَارِدِ الْخَاصَّةِ. لَكِنَّ فِي صَيْدِهِ خَطَرٌ لِلصَّيَادِينَ، لِأَنَّهُ يَضْرِبُ الْقَارِبَ بِنَفْسِهِ فَيَكْسِرُهُ أَوْ يَقْلِبُهُ.

59-дарс

Қисқичбақа ва оққуш

Ҳикоя қилинишича, бир оққуш балиқлари кўп бўлган камишзорда яшар эди. У, ўша ердаги балиқлардан еб, кун ўтказар эди. У ерда насиб қилганича яшади, сўнгра қариб, ов қилишга қодир бўлмай қолди. Унга очлик ва қаттиқ озғинлик етди. У, кунларнинг бирида хафа бўлиб, бу ишда ҳийла қилишни истади. Унинг олдидан бир қисқичбақа ўтиб қолиб, уни ҳолатини кўрди ва унга яқинлашиб: "Эй қуш, сенга нима бўлдики, маҳзун ва ғамгин ҳолатда кўрмоқдаман", деди. Оққуш: "Қандай ҳам хафа бўлмай, мен бу ердаги балиқлар ҳисобига кун кўрар эдим. Мен бугун икки овчини бу ердан ўтганини кўрдим. Улардан бири ҳамроҳига: "Бу ерда кўп балиқлар бор, аввал бу ердан овламаймизми?" Деса, иккинчиси: "Мен бу жойдан кўра балиқлари кўпроқ жойни кўрдим", деди. Шунда биринчиси: "Ўша ердан бошлаймиз, ундан бўшаб бўлгач бу ерга келамиз ва бу ердаги балиқларни овлаймиз", деди. Улар ўша ердаги

балиқлардан бўшасалар, бу ерга келадилар ва бу ердаги балиқларни овлайдилар, деб тушундим. Агар шу нарса амалга ошса, у менинг ҳалокатим ва умрим тугаганини белгисидир, деди. Қисқичбақа буни эшитгач, балиқлар жамоасига йўл олди ва бу ҳақда уларга хабар берди ҳамда улар билан шу иш хусусида маслаҳат қилди. Шунда оққуш: "Овчилар устидан ғолиб келишга менда куч йўқ, бирор хийла ҳам билмайман. Фақат бу ерга яқин бўлган балиғи, суви ва қамиши кўп бўлган кўлмакка боришдан бошқа хийлани билмайман. У ерга ўтсангиз сизларнинг саодатингиздир, деди. Улар: "Биз у ерга сенинг ёрдамингсиз ўта олмаймиз, кўлга бизни кўтариб олиб боришингни илтимос қиламиз", дейишди. Оққуш уларнинг талабларига кўниб, ҳар куни иккитадан балиқни кўтариб, уларни тепаликка олиб борарди-да, сўнгра ер эди.

Кунларнинг бирида оққуш одатига кўра иккита балиқни олишга келганида, қисқичбақа унга йўлиқиб: "Мен ҳам ўша кўлга боришни хоҳлайман, илтимос мени ҳам у ерга кўтариб бор", деса, оққуш: "Бош устига", деди ва уни кўтариб учди ҳатто балиқларни ейдиган тепаликка яқинлашганида, ейилган балиқ суякларини тўпланиб ётганини қисқичбақа кўриб қолди. Бундай ишни оққуш амалга оширганини ва буни ҳам шундай қилиш истаги борлигини билди. Оққушдан қутулиш ва ҳалок қилиш учун хийла ўйлади, ҳатто бўйнини икки қисқичи билан қисган эди у вафот қилди. Сўнгра балиқлар яшаётган қамишзорга қайтиб, балиқлар жамоасига уни ҳикоя қилиб берди.

59-дарс

عَشَّشَتِ الطَّائِرَةَ، وَبَاصَتْ بَيْضَةً. وَبَعْدَ ذَلِكَ أَفْرَحَتْ الْفِرَاحَ. صَلَّىنا صَلاةَ الْجُمُعَةِ. لَا اسْتَطِيعُ أَنْ أَحْمِلَ هَذَا. قَارَيْتُ إِلَيْهِ. لَا تَقْضُصْ هَذِهِ الْقِصَّةَ أَحَدًا. هَلْ تَذْهَبُ إِلَى الْأَكْلِ؟ لَا اسْتَطِيعُ لِعُدْوَانِهِ لَهُ. فَإِنْ لَمْ يَكُنْ إِكْرَامُ اللَّهِ لَا تَسْتَطِيعُ عَلَى ذَلِكَ. يَا أَيُّهَا الْعَدُوُّ! دِمَّتْ إصْبَعِي. مَا اسْتَطَعْتُ الْخِلاصَ مِنْ عُدْوَانِهِ. هَذَا شَاخٌ، عُمُرُهُ خَمْسَةٌ وَثَمَانُونَ سَنَةً.

60-дарс

Учтасидан қайсиси аҳмоқликда кучлироқ?

Ҳикоя қилинишича, икки аҳмоқ йўлда ҳамроҳ бўлишди. Биринчиси иккинчисига: "Кел, Аллоҳдан, амалга оширишини орзу қиламиз, чунки йўл масофаси, гаплашиш билан қисқаради", деди. Шунда ҳамроҳнинг бири: "Мен қўйлар тўдасини орзу қиламан, чунки унинг сутлари, гўштлири ва жунларидан фойдаланаман", деди. Бошқаси: "Мен бўрилар тўдасини орзу қиламан, қўйларингга уларни юбораман ва қўйларингдан ҳеч нарса қолдирмасдан еб тугатади", деди. Ҳамроҳи: "Ҳолингга вой бўлсин! Бу суҳбат ва ҳамроҳликнинг ҳурматими? Деб, бир-бирлари билан урушиб, жанжаллари шу даражада қаттиқлашдики, ҳатто ёқалашишгача етиб бордилар. Сўнгра уларга биринчи бўлиб ким учраса, ҳакам бўлишига розилик билдирдилар. Уларга, эшаги билан унинг устида икки меш асали бор бир қария учради. Улар қарияга сўзларини айтишган эди, у мешни тушириб, очди, шунда асал тупроққа оқиб тушди. Сўнгра қария: "Агар сизлар аҳмоқ бўлмасангиз Аллоҳ шу асал каби қонимни тўксин", деди.

60-дарс

أَسْأَلُكَ أَنْ تَقْرَضَنِي خَمْسَ سُوْمٍ، سَأَرُدُّ إِنْ شَاءَ اللَّهُ بَعْدَ خَمْسَةِ أَيَّامٍ. شَحْمُ السَّمَكِ مُفِيدٌ لِلْعَيْنِ وَمُضِرٌّ لِلْمِعْدَةِ. يَفْتَاتُ الصَّيَّادُ بِالسَّمَكِ. تُؤَيِّي صَدِيقِي، رَحِمَهُ اللَّهُ. رَبِّ أَوْلَادِكَ تَرْبِيَةً حَسَنَةً. اجْتَهِدْ لِكَيْ يَكُونَ مُؤَدَّبًا. أَطَعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ، وَمَنْ لَمْ يُطِعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَهُمْ الْخَاسِرُونَ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ.